

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ АКАДЕМИЯСИКАМОЛИДДИН БЕҲЗОД
НОМИДАГИ
МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ**

Э.Х.Хайтов.

**КОМПОЗИЦИЯ
фанидан
ўқув қўлланма**

5150800-Рангтасвир (турлари бўйича)

**Композиция
(I-босқич учун)**

Тошкент-2017 й.

Аннотация

Ушбу ўқув қўлланма олий ўқув юртининг Тасвирий санъат йўналишидаги талабалари учун яратилган бўлиб, тасвирий санъатнинг асоси ҳисобланган ҳолда композиция бўйича амалий машғулотлар мазмуни ёритилган.

Ўқув қўлланманинг асосий вазифаси талабаларнинг композиция сирларини ўзлаштириш, мустақил фикрлаш ва ижодий фаолиятини ривожлантиришга ёрдам беради.

Мазкур қўлланма композиция фанидан яратилган дастур асосида тузилган бўлиб, иллюстрациялар билан бойитилган. Олий ўқув юртлари учун мўлжалланган ушбу қўлланмадан шу соҳага алоқадор мутахассислар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Аннатация

Это руководство было создано для студентов Высшего учебного заведения направления Изобразительного искусства, изобразительного искусства, как полагают, должны быть отражены в составе практического содержания.

Основная цель учебного пособия студентам освоить секреты композиции, будет способствовать развитию самостоятельного мышления и творческой активности.

Данное руководство основано на программе, которая является предметом композиции, обогащенные иллюстрациями. Высшие учебные заведения, предназначенные для этого приложения можно также использовать специалистов, работающих в этой области.

Annotation

This guide was created for students of the fine arts institute , fine arts are believed to be reflected in the composition of practical content.

The main purpose of the training manual for students to master the secrets of composition, will contribute to the development of independent thinking and creative activity.

This manual is based on the program, which is the subject of the composition, enriched with illustrations. Higher education institutions dedicated to this application can also be used by professionals working in this field.

МУНДАРИЖА

Кириш 7

I. БОБ. МАВЗУ: ШАҲАРДА КУЗ МАВЗУСИДАГИ КОМПОЗИЦИОН ЭСКИЗ

1.1.	Композиция фани мақсади ва вазифалари.....	8
1.2.	Манзара чизишнинг назарий асослари.....	13
1.3.	Композиция марказини кўрсатиш.....	17
1.4.	Бир неча вариантда эскизлар устида ишлаш.....	23
II.	БОБ. МАДАНИЙ ҲОРДИҚ. (ТАЕТР, ИСТИРОХАТ БОҒИ ЁКИ АТТРАКЦИОНЛАР)	
2.1.	Эскизга маълумот йиғиш (майший жанрдаги тематик композиция).....	32
2.2.	Форэскизлар устида ишлаш	38
2.3.	Мавзу бўйича композицион асар яратиш	43

III. БОБ. ЙИЛ ФАСИЛЛАРИ. “ЎЛКАМДА ҚИШ”

3.1.	Композициянинг пластик ечимини топиш	47
3.2.	Қисмларнинг бир-биригабўлган катта-кичилик муносабатлари аниқлаш ва деталлар устида ишлаш	49
3.3.	Маҳорат, умумлаштириш, яхлитлик ва тугатиш	56

IV. БОБ. БЕРИЛГАН МАВЗУ БЎЙИЧА ВАЗИФА: “БЕГУБОР ЁШЛИК”

4.1.	Танланган мавзу асосида композицияга мос инсон қиёфасини натурадан ишлаш	58
4.2.	Бир неча вариантда эскизлар устида ишлаш	62
4.3.	Композиция маркази кўрсатиш	65

V. БОБ.ИНСОНЛАРНИНГ ҲИССИЙ КЕЧИРМАЛАРИ (ЭМОЦИОНАЛ ҲИССИЁТНИ ЁРИТИБ БЕРИШ – РУХИЙ ВА ЖИСМОНИЙ ОФРИҚ, ЗАВҚ – ШАВҚ)

5.1.	Мавзу танлаш	68
5.2.	Бир неча вариантда эскизлар устида ишлаш	69
5.3.	Композициянинг ранг ечимини топиш ва марказини кўрсатиш	71
5.4	Деталлар устида ишлаш.....	75
	ГЛОССАРИЙ.....	89

СОДЕРЖАНИЕ

Введение.....	7
I .Глава. Сообщения темы: Составить эскизы на теме в городе осень	
1. 1. Цель и задачи предмета Композиции.....	8
1.2. Теоритические основы рисование пейзажа	13
1.3. Показать центр композиции.....	17
1.4. Ряд опций для работы над эскизами и выступления.....	23
II. Глава. КУЛЬТУРНЫЙ РАЗВЛЕЧЕНИЯ. (Театр , парк или парк развлечений)	
2.1. Записи в сборе информации(тематическая композиция в бытовом жанре).....	32
2.2. Работа по Форэскизами.....	38
2.3. Создания по теме композицию.....	43
III. Глава. Времена года «Зима» в стране	
3.1. Найти решение пластиковой композиции.....	47
3.2. Определения отношение части соотносительного размера и работать над деталями.....	49
3.3. Агрегация мастерство, целостность и конец.....	56
IV Глава Тема: « Невинное Детство»	
4.1. На основе выбраны темы композиций работать в соответствии с человеческой натурой.....	58
4.2. Работать над эскизами.....	62
4.3. Показать центр композиции.....	65
V. Глава Человеческие эмоциональность. (открыть эмоциональное чувство - физическое и психическое боль, радость)	
5.1. Тема выбора.....	68
5.2. Работы над эскизами.....	69
5.3. Найти композиционное решение и показать центр композиции.....	71
5.4. Работа над деталями.....	75
ГЛОССАРИЙ.....	89

CONTENT

Introduction.....	7
Chapter I. Draw sketches on a theme in autumn in the city	
1. 1. The purpose of the science of composition and functions.....	8
1.2. The basis of drawing landscape.....	13
1.3. To show the center of composition.....	17
1.4. A number of options for working on sketches and speeches.....	23
Chapter II.CULTURAL ENTERTAINMENT. (Theater, park or amusement park)	
2.1. Records in collection of information(thematic composition in the traditional genre).....	32
2.2. Works with e many sketches.....	38
2.3. Creating a composition on the theme.....	43
Chapter III.. Seasons "Winter" in the country	
3.1. Find a solution to the plastic composition.....	47
3.2. Determine the proportion of the relative size and work on the details.....	49
3.3. Aggregation is mastery, integrity and end.....	56
Chapter IV. Theme: "Innocent Childhood"	
4.1. On the basis of chosen theme songs to work in accordance with human nature.....	58
4.2. Work on thumbnails.....	62
4.3. Show center of composition.....	65
Chapter V. Human emotionality. (To open an emotional feeling - physical and mental pain, joy)	
5.1. Selection Theme.....	68
5.2. Work on thumbnails.....	69
5.3. Find a composition solution and show the center of the composition.....	71
5.4. Work on details.....	75
Glossary.....	89

КИРИШ

Композиция асосларини ўрганишдан мақсад, амалий машғулотлар жараёнида ижодкорликка йўналтириш ва мустақил тасвирий санъат устида ишлашни шакллантиришдан иборатдир. Санъатда мазмунан ва ғоянинг энг яхши ечимини умум ижодий маҳоратини ошириш, нафосат тарбиясининг муҳим омилларидан биридир. Ҳар қандай ижодкор ўтмишдаги рангтасвир санъат усталари меросини ва тажрибаларини ўрганиш билан бирга, томошибинга чуқур таъсир этувчи тасвир қонунлари ва услубиятини ҳам ўрганади.

“Композиция” фани бўйича ёзилган ушбу ўқув қўлланма талабаларнинг дунёқарашини шакллантириш, ижодий тасаввур ва образли фикрлаш қобилиятини ривожлантириш. Кенг бадиий эстетик маданият ва бадиий сезгини тарбиялаш, санъат асарини тахлил қилиш малакасини ошириш, атроф- муҳитдан олган таъсуротларини ижодий танлаб олиб, образли шаклда хаққоний тасвирлаши шу асосида билим, малака ва кўникмаларга эга бўлиш учун талабалар куйидагиларни ўзлаштириши лозим: композицион асар яратища рангтасвир санъатининг ўзига хос хусусиятларини англаш, хомаки чизгилар, натура (тасвирланувчи қомат), инсон қиёфаси, яхлит қиёфа, образ, табиат манзаралари, танланган мавзуга доир бажариладиган этюдлар, мавзу доирасида композицион ифодалиликка хизмат қилувчи тасвирий ашёлар, композицион муҳит ташкил этувчи атрибутлар сингари тасвирий ашёлар жамлаш, рассом томонидан бажариладиган тасвирий асар сифатида шаклланишида кўплаб бадиий асар яратиш қонун қоидаларини ўрганиш ва ижодкор сифатида унга бўйсениш, рассом санъаткор сифатида эса воқийликка бўлган дунёқарашни белгиловчи фалсафий мушоҳадани ўстириш, унга риоя этиш ва амалда қўллай билишда ёрдам беради.

Малакали рассом тайёрлашда композиция фанининг аҳамияти беқиёс. Ушбу фанни ўрганиш жараёнида талабалар тасвирий санъатда асар композицияси ва унинг тур ва жанрлари, воситалари, усуллари ҳамда элементлари ҳақида назарий билим олишлари лозим. Талабалар олган

назарий билимларини бадиий асар яратишда амалий жиҳатдан қўллаш кўнилмаларини эгаллашга ёрдам беради.

I. БОБ. ШАҲАРДА КУЗ МАВЗУСИДАГИ КОМПОЗИЦИОН ЭСКИЗ

1.1. Композиция фани мақсади ва вазифалари

Композитция (лотинча *composition* – тузиш, қуриш маъносида) – этюд ёки сурат қурилиши, қисмларнинг мувофиқлиги. Натурани нуқтасини топиш, ёруғлик, шакл ўлчамларни аниқлаш, композицион марказни пайдо қилиш ва унга асарнинг иккинчи даражали қисмларини бўйсиндиришdir. Картина яратишда танлаш сюжет устида ишлаш асар ўлчамини топиш, тасвирдаги шахсларни ички кечинмалари, бир-бирига бўлган муносабатлари, ҳолатлари, ҳаракатлари, маънодорлиги оҳангдорликни қўллаш – булар ҳаммаси суратни композицион кўрнишнинг асосий қисмлари бўлиб, рассом фикрини мақсадли бажарилишига хизмат қиласи. Бундай композитцияда ҳамма нарса ҳисобга олинади: жисмлар миқдори ва уларнинг вазни, оҳанги, перспектива, уфқ чизиги ва тасвирга кўзнинг қараш нуқтаси, суратдаги бўёқ рангларнинг бир-бирига мос келиши, уларнинг қараш йўналиши, жисмларнинг перспектив қисқариши, ёруғ соянинг тақсимланиши, ҳолати ва бошқалар.¹

Композиция ва уни ўрнисюжетли рангтасвир майший, тарихий, урушга оид, афсонавий, дастгоҳли рангтасвирнинг энг муҳим ва кенг тарқалган турларидан биридир. Бу жанрда яратилган суратлар одамларнинг ҳаёти, уларнинг севинч ва қайгулари, интилиш ва муваффакиятлари ҳақида ҳикоя қиласи. Ўтмиш замондаги одамларнинг ишларини мушохада қилишга ёрдам беради. Сюжетни рангтасвир рассомлари ўз мавзуларини кўпинча теварак атрофдаги ҳаётдан оладилар. Бундай рангтасвир майший ёки жанрли рангтасвирда талай натижаларга эришадилар. Ҳозирги вақтда жанрли рангтасвир замонавий инсон ҳаётида ғоят катта аҳамият касб этади. У бизни ҳаяжонга соладиган ҳаётий лавҳаларни акс этириб, ўзига хос “ҳаёт

¹ Абдирасилов С, Толипов Н, Дастгоҳли рангтасвир “Иқтисод-молия” 2008 й.

кўлланмаси” бўлиб ҳисобланади; воқеликни англашга ва унинг турли кўринишларга ўз муносабатини аниқлашга ёрдам беради.

Гоявий фикр жанрли картина композициясини белгилайди. Картинанинг теран фикрдан маҳрум ҳар қандай энг малакали тузилган тарихи ҳеч қачон бадиий асарга айлана олмайди. Композиция устида олиб борилган барча ишлар ғоявий фикрни бойитиш, ҳар тарафлама пухталаш, ва амалга ошириш жараёни хисобланади. Композицион ишида расмий вазифалардан келиб чиқиш, картинани қандайдир ҳодисавий чизмалар асосига қуриш одам гавдасини кўндалинглигига, доирасимон, учбурчак ва бошқа шаклларда жойлаштириш мумкин эмас. Талаба мавзуси ўз асарида ифода этишни ўйлаган ғоялар, туйғу ва кечинмалардан иборат бўлиши, мавзу ҳаётий воқеаларнинг муайян доирасидан олинган теран билим, тажрибадан туғилмоғи даркор.

Композициядаги “ғоя” ва “мазмун” тушунчаси гоҳо бир бирига ўхшатиладики, бу унчалик тўғри эмас. Кўргазмалардаги барча картиналарнинг мавзулари бор, бироқ ғояни эса барчасида ҳам топиши амри маҳол. Кўпгина картиналарда рассом ҳикоя қилаётган нарсани осонгина илғаб олинади, аммо ҳар доим ҳам бу билан нима демоқчи бўлаётганини тушуниш қийин. Маъвзу топилиб рассом ишга киришиб кетгач, тарихий, ҳужжатли, портрет ёки пейзажли ашёларни ўрганиш бўйича машаққатли меҳнат бошланади. Бундай ашёларни чуқур ўрганиш натижасида ижодий тасаввурда картина сюжети туғилади.

Асарни ишлаш босқичларига тўхталарадиган бўлсак рангтасвир асарини яратишда маълум тартибга риоя қилинган ҳолда талаба тасвирий асар устидаги ишни унча катта бўлмаган ўлчамдаги бир қанча эскиз ва чизгиларни бажаришдан бошлиши лозим ҳисобланади. Бу эскизлар ёрдамида ўз ижодий фикрини аниқлаб олади ва шундан сўнг талаба бўлажак ижодий асарини тасвирлай бошлайди. Буни бажаришда қаламдан, кўмирдан ёки суюлтирилган бўёқдан ва ингичка мўйқаламдан фойдаланилади. Асарни эскиз-чизгисини бошқа текисликка кўчириш зарур бўлиб қолса, хитой қофози

ёки картондан фойдаланилади. Баъзан талабалар ижодий ишнинг бу босқичини четлаб ўтадилар. Дастребки қалам тасвирини туширмасдан, бевосита бўёқлар билан чиза бошлайди.

Бўёқларни текислик юзасига суришнинг кўп усуллари мавжуд, баъзи рассомлар лессировка усулидан фойдаланишини афзал кўрадилар ва қуруқ бўёқли қатлам устига нозик ёрқин иккинчи қатламни суришади. Бошқалари зарур ранг ечимиға бирданига бир марта бўяш орқали эришадилар. Учинчилари эса суркама усулда мўйқалам тортиб бўёқ берадилар. Мусаввир бир вақтнинг ўзида чизматасвир, композиция, шакл, ҳажм чиқариш, фазовий хусусиятларни бериш ва ранг уйғунликлари устида ишлаши мумкин. Бунинг учун у, кучли кузатиш хотирасиға, қалам билан аниқ чизиш қобилиятига, композиция тасаввурига, рангларни ҳис қилиш фазилатига эга бўлмоғи керак.

Аксарият мусаввирлар ўз ижодий ишларини умумийликдан қисмларга бўлиб ишлашни афзал кўришади. Улар буюм ҳажмини назарда тутган ҳолда, ранг устида иш олиб борадилар. Шундан сўнг тасвир ранг уйғунликлари ва колоритини аниқлайдилар. Охирги босқични улар, яна умумлаштириш билан тугаллайдилар.

Асарнинг яхлитлигига эришиш учун ортиқча қисмларни олиб ташлаш, контрастни юмшатиш, бош ғояни бўрттириш керак бўлади.

Машғулот жараёнида рангтасвир композицияси устида кетма-кетлик тартибида ишлаш талаб этилади. Одатда текислик юзаси маҳсус қоришмалар ёрдамида грунтланади, яъни юза бўяб чиқилади. Бунда турли гуаш, сувбўёқ, темпера, мойбўёқ ва ҳоказолардан фойдаланилади. Бўёқлар юза текислигига турли катталиқдаги учли, япалоқ, юмалоқ ва шу каби шаклдаги мўйқаламлар ёрдамида суртилади. Баъзида бунинг учун мастихин, пичноқ, хатто бармоқлардан ҳам фойдаланилади. Бироқ тасвирий санъат асарларини ёрдамчи воситалар билан эмас, балки маҳсус асбобларда яратиш афзалроқдир. Чизиш техникаси кўпинча бўёқлар, эритгичлар ва асбобларнинг мослигига қараб танланади.

Рангтасвирдаги ғоя чизиклар, шакллар ёки бўёқларнинг мавҳум бирикмаларида эмас. Агар асарда қаҳрамон хулқи, улар ҳолати, гавда ва қўл ҳаракатлари тўғри талқин этилса таъсвир жонли чиқади ва мазмундор бадиий образга айланади. Сюжетнинг топилиши ҳар бир воқеа асарнинг зарурий асоси ҳисобланади. Сюжет иштирок этувчи шахсларнинг миқдорини, жойлашувини, қиёфа ҳоказоларни белигилаб беради. Биргина мавзу турли сюжетларда ифода этилган бўлиши мумкин. Масалан: урушга қарши мавзуда, гарчи сувратлар сюжети турли туман бўлса ҳам, жуда кўп ажойиб асарлар яратилган. Ҳар бир рассом ҳаяжонга солувчи ғояни иложи борича кучлироқ ифода этадиган сюжет қидиради. Ўйлаб топилган сюжет маъвзусини теранроқ ва тўлароқ очишга имкон берувчи сюжетини рассом дарҳол топа олмайди. Энг ёрқин ва маънодор сюжет топилгунча жуда кўпалб дастлабки қораламалар бажаришга тўғри келади. Буни қўйидаги (1-этап) қоралама эскизда кўришимиз мумкин.

Сюжет аниқлигидан бошлаб композиция чизгилари устида машаққатли ишлар бошланади. Дастлабки чизгилари устида машаққатли ишлар бошланди. Композицион асосий талаблари – яхлитлик, симметрия ва ритм амалга оширилади.

Тасодифан терилиб қолган буюмларни натюроморт деб бўлмайди. Натюроморт композициянинг маъноли ва таъсирчан чиқиши таббий боғланишда қўйилиши керак.

Талаба композиция ҳақида бирон-бир рангтасвир жанрларидан бирида асар яратади. Ушбу фандан берилган топширикни бажариш учун аввало талаба мавзу ва рангтасвир жанрларидан бирини танлайди. Бу жанрлар:

1. Портрет жанри;
2. Манзара жанри;
3. Натюроморт жанри;
4. Маиший жанри;
5. Батал жанри.

Талаба мавзу ва жанрни танлашдан сўнг изланиш жараёнини

бошлайди. Ўтилган мавзу бўйича эски усталарнинг асарларини тахлил қиласди, мавзуси хозирги даврга мансуб бўлса, шундай воқеалар бўладиган жойларга бориб кузатади ва асар учун эскиз ва этюдлар яратишни бошлайди. Шунингдек талаба композицион асарни яратишда қўйидаги қоидаларга амал қилган холда олиб бориши керак бўлади.

- композицион асарда ҳаётий воқеликнинг руҳияти соғлом эмоционал бадиий тизимини яратишни;
- композицион асарларда фазовий тизимнинг эътиборли даражадаги ифодалилигини билиши;
- бадиий асар композицион тизимнинг ғоявий-бадиий ифодалилигини топиши;
- композицион тизимдаги ранглар уйғунлигининг, эмоционал-психологик таъсирчанлик билан алоқасини аниқлаши;
- композицион топшириклиарини бажаришда рангтасвирининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тасаввурга эга бўлиши керак;
- композицион портрет жанридаги асарларда образлиликни яратиш;
- композицион асардаги воқеликнинг эмоционал ифодаси тасвиридаги эҳтиросли ҳолатини тасвирлай олишни;
- композицион рангтасвирининг бадиий - эстетик жиҳатлари ва бадиий ифодалилиги жиҳатларини шакллантиришни билиши ва улардан фойдалана олиши;
- композицион топшириқда яратилаётган топшириқ ғоясига ижодкор сифатида унга бўйсуниш, рассом-санъаткор сифатида эса воқеликка бўлган дунёқарашни белгиловчи фалсафий руҳиятни яратиш;
- асарнинг ғоявий мазмуни ва моҳиятини ундаги соғлом руҳият доирасида акс эттириш;
- тасвирий санъатда асрлар мобайнида шаклланган услубий анъаналарга риоя этиш ва амалда қўллаш;
- асарлар устида ишлашда маҳоратни юксалишига ёрдам берувчи касбий малака комплексларини яратиш кўникмаларига эга бўлиши керак.

1.2. Манзара чизишининг назарий асослари

Барча санъат турларида бўлгани каби тасвирий санъат ҳам, ўз ичида ҳар хил жанрларга ажралади. Жанрларга ажратиш рангтасвирда яққолроқ ўзга ташланади. Тасвирий санъат асарларини жанрларга ажратишда, одатда, расмда нима тасвирланганлиги асос қилиб олинади. Шунга кўра, рангтасвир асарларини *пейзаж* (табиатни тасвирлаш), *натюрморт* (нарса-буюмлар тасвири), *портрет* (инсон тасвири), *сюжетли-мавзули картина* (ҳаётий воқеаларни тасвирлаш) каби жанрларга ажратиш мумкин. Тасвирий санъатнинг қаламтасвир (графика) тури ҳам шу тарзда жанрларга ажратилади. “Пейзаж” французча сўз бўлиб “табиат” деган маънони англатади. Тасвирий санъатда табиатни реал ёки хаёлий кўринишларини акс эттиришга бағишлиланган асар *пейзаж* ёки *манзара* дейилади. Манзара қаламтасвир ёки ҳайкалтарошлиқда ҳам яратилиши мумкин. Бироқ, манзара жанрининг имкониятлари рангтасвир санъатида ҳар томонлама, тўлалигича ўз ифодасини топади.

Манзара жанрининг пайдо бўлиши жуда узокларга бориб тақалади. Манзара тасвирларининг кенг тарқалишини қадимги Шарқ давлатлари худудида ва Крит оролларида олиб борилган археологик қазишмаларда топилган буюмлар мисолида қўриш мумкин. Табиат манзараларини акс эттириш Хитой рассомлик санъатида VI асрда пайдо бўлган. Европа санъатида манзара жанри мустақил жанр сифатида XVII асрдан бошлаб ривожланди. У, айниқса, голланд рангтасвир санъатида кенг тарқалди. Шуни қайд этиб ўтиш керакки, то XVII асргача табиат манзараси кўринишлари фақат мавзули сурат ёки портретлар учун фон вазифасини ўтаган. Манзара жанри мустақил жанр сифатида шаклланган бўлса-да, унда баъзан инсон образини ҳам учратиш мумкин. Бироқ, манзара композициясида инсон тасвири, шунингдек, кичик воқеавий саҳналар ҳал қилувчи роль ўйнамайди, балки манзарани тўлдириш, тасвирнинг жонли чиқиши учун хизмат қиласиди.

Камил Коронинг “Пичан ташиш”, А.Пластовнинг “Биринчи қор”, Ў.Тансиқбоевнинг “Иссиққўл оқшоми” картиналарида шу ҳолни кузатиш

мумкин. Тасвирий санъат асарларида, жумладан, манзара жанрида яратилган асарларда рассомнинг борлиқдан олган таассуротлари, воқеаликка ғоявий-хиссий муносабати ҳам акс этади. Табиат манзаралари тасвирида рассомнинг дунёқараши, табиатни идрок этишининг ижтимоий-тарихий, миллий ва услугий хусусиятлари ўз ифодасини топади. Шунга кўра, машҳур рассомларнинг асарларида манзара мотивларининг улуғвор-романтик (Шишкиннинг “Ўрмон узоқликлари” картинаси), лирик (А.Саврасовнинг “Қора қарғалар учиб келди” картинаси) ёки ижтимоий-фалсафий (И.Левитаннинг “Мангу уйқуда” картиналари) талқинларини учратиш мумкин. Пейзаж жанри ўзининг ички бўлиниши – жанр кўринишларида ҳам эга бўлиб, булар қишилоқ манзараси, шаҳар манзараси, индустриал пейзаж ва пейзаж-марина кўринишларида бўлиши мумкин.

Манзара чизиши жараёнида перспектива

Манзара ишлаш техникасини эгаллаш бўлажак рассомдан жудакатта қунт ва меҳнатни талаб қиласди. Кузатувчидан табиатманзараларини катта масофа ажратиб туриши, ёргулик ва соярефлексларининг хилма-хиллиги ва кўплиги, ёруғ-сояларнинг тезўзгарувчанлиги, об-ҳаво ва фаслларнинг ўзгариши – буларнингбарчasi манзара ишламоқчи бўлган рассом меҳнатини қийинлаштиради. Шунингдек, қизиқарли мотивларни пайдо бўлишига олиб келади ҳам.

“Перспектива” сўзи лотинчада “аниқ кўраман” маъносини англатади. Тасвирий санъатда перспектива қисқариш ҳамда нарсаларнинг кузатувчидан узоқлашган сари ўзгариб бориши маъносида ишлатилади. Перспектива рассомга манзарани натурада қандай қўрилса, картинада шунга мос тасвирлаш имконини беради. Перспектива қоидаларини ўзлаштириш манзара чизиш жараёнида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Пейзаж асарларининг муваффақияти уларда тасвирланган предметларнинг ўзаро уйғун ўлчовларда акс эттирилишига ҳам боғлиқ, албатта. Бунинг учун бўлажак рассом натурани диққат билан кузатиши, нарса ва буюмлар, жониворларнинг бир-бирларига нисбатан ўлчовларини, уларнинг уфқ чизигига нисбатан

жойлашиши каби жиҳатларини тасвирлаш билан уларда манзара чизиш малакаси шаклланиб боради.

Перспектива уфқ чизиги билан боғлиқ ҳолда белгиланади. Уфқ чизиги дейилганда осмон билан ерни ажратиб турадиган чизик тушунилади. Уфқ чизиги рассомликда кузатувчининг ёки расм чизувчининг кўзи баландлигига тасаввур этиладиган эпик (горизонтал) суврат текислигига ёндош (параллел) чизиқдир. Уфқ чизиги одатда тасвиранадиган манзаранинг мазмунидан келиб чиқиб белгиланади. Уфқ чизигини қоғоз бетига уч хил: қоғоз бетининг юқорисидан, ўртасидан, пастидан ўтказиш мумкин. Бу, асосан, кузатувчи эгаллаб турган кўриш нуқтасига боғлиқ бўлади. Перспективанинг чизиқли перспектива, ранг перспективаси ва ҳажм перспективаси кўринишлари мавжуд. Чизиқли перспективанинг муҳим томони шундаки, у нарса ва буюмларнинг кузатувчига нисбатан ўз шакли ва ўлчовларини ўзгартириб боришини ифодалайди. Нарсалар кузатувчидан узоқлашиб борган сари уларнинг ўлчовлари кичрайиб боради. Аксинча, кузатувчига яқинлашган сари нарсаларнинг ўлчовлари ҳам каттарок кўринади. Перспективқисқаришни қоғозда тасвирлашда қуйидаги қоидага амал қилинади.

Биринчидан, кузатувчига яқин турган манзара қоғоз бетининг пастки қисмида тасвиранади ва аксинча, кузатувчига нисбатан узоқда кўринадиган нарсалар қоғоз бетининг юқори қисмига жойлаштирилади. Кузатувчига нисбатан жуда узоқда ҳам, яқинда ҳам жойлашмаган обьектлар қоғоз бетининг ўртасида тасвиранади. Перспектив қисқаришни қоғозда акс эттириш кўриш нуқтасига нисбатан олинади. Кўриш нуқтасидан хаёлан чиқарилган чизиқлар манзаранинг юқориси ва пастки қисмидан ўтказилади.


Манзарадаги бошқа предметларнинг перспектив қисқаришини белгилашда кўриш чизигини ўзгартираслик талаб қилинади. Худди шу усулда ҳар қандай нарсаларнинг расмини перспектив қисқариш қоидасига кўра ишлаш мумкин. Перспектив қисқариш усулида нарсаларнинг ўлчовларини хақиқатга яқин ва тўғри акс эттириш мумкин бўлади. Манзара

чиши жараёнида ёруғ-соялар ва ранглар муносабатини кузатиш, ҳар бир кўринишининг хусусиятларини идрок этиш билан чегараланиб қолмай, натурани яхлит ҳолда кўра олиш малакасини ҳам шакллантириш зарур.

Манзара рангтасвирида бир вақтнинг ўзида барча манзарани кўра олиш, олдинги, ўрта ва орқа планни яхлит кўриш майдони сифатида идрок этиш зарур бўлади. Манзарадаги турли ҳолатда жойлашган манзарани алоҳида эмас, яхлит бирлиқда, бир-бирига боғланган битта асар сифатида идрок этиш муҳимдир.

Булажак рассомдан ранг перспективаси хусусиятларини ҳам пухта ўзлаштириши талаб этилади. Ранг перспективаси деганда борлиқдаги барча нарсалар киши кўзидан узоқлашиб борган сари ўз рангини ўзгартириши тушунилади. Биздан узоқлашган сари нарсалар ҳавога “сингиб” бораётгандек кўринади. Агар предмет аниқ белгилари билан тасвирланса, у бизга яқин тургандек таассурот туғилади. Предмет белги-хусусиятларининг хиралashiши эса уни биздан узоқлаштиради.

Олдинги планда жойлашган нарсалардаги ёруғ-сояларнинг кескинлиги кузатилади. Туман, чанг ёки тутун билан қопланганжойдаги нарсалар кўриниши хиралашади. Узоқлашган саринарсаларнинг ранги ҳоворангга мойиллашиб боради, уларнингрангидаги фарқлар камайиб боради. Шунингдек, манзара ишлаш жараёнида ҳажмлилик ёки ёруғлик перспективасини ҳам эътиборга олиш зарур. Нарсалар ёруғлик манбаидан узоқлашган сари ўзининг ёрқинлиги, ранги, шакли аниқлигини йўқота боради. Барча нарсалар биздан узоқлашган сари ёки унга нур ёруғлик тушган сари шакл ва ранг аниқлашиб, манзаранинг ҳажмли кўриниши аниқлашади. Ёруғлик перспективаси, айниқса, оқшом манзараси тасвирланган картиналарда алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Масалан,



1- расм

У.Тансиқбоевнинг “Тоғ қишлоғи” картинасида манзараларнинг барчаси қуёшнинг кечки нурларига чулғанган ҳолда, кўкиш рангда тасвирланган ва шаклдаги аниқлик реал ранг йўқолиб борган.

Шу боис талабалар мустақил ишлар бажариш жараёнида перспектива қоидаларига амал қилиш билан бирга тасвирий санъат асарларини кузатиши ҳамда ўзи чизган суратларни таҳлил қилиб бориши яхши самара беради.

1.3. Композиция марказини кўрсатиш

Тасвирий санъат асаридаги композиция картинада тасвирланган барча элементларнинг рассом ғоясига мувофиқ жойлаштирилишини билдиради. Томошабин эътиборини жалб қилиш ва уни ҳаяжонга солиш учун рассом

тасвирлашнинг кучли ифода воситаларини излаб топишга ҳаракат қиласди. Ўз мақсадини ифодалашда барча ортиқча нарсаларни чиқариб ташлайди, иккинчи даражали нарсалар асосига бўйсундирилади. Мато сирти, ўлчами кўзланган мақсад ёки кўриш нуқтаси, уфқ чизигини белгилаш, ранг бериш, композиция марказини белгилаш-буларнинг барчаси композициянинг элементлари сифатида хизмат қиласди. Манзара асарининг мазмуни, танланган мотивнинг ҳаётийлиги картинашнинг композицион қурилиши билан юзага чиқади.



Анзоб довонида. 1970. На Анзобском перевале.



Чорбоқ. 1974. Чарвак.

2-расм

Манзара мотивларини танлаш, композицион уйғунликни топа билиш ҳар бир рассомнинг ўзига хос ижодий дид ва майлига боғлиқ бўлади. Манзара этюдларини ишлаш билан аввало композициянинг дастлабки деталлари - олдинги, ўрта ва орқа планни танлашдан бошланади. Бунда кўриш

нұқтасини, қоғоз ёки мато ўлчамини белгилаб олиш мухимдир. Манзара этюди композициясида осмон, ер ва бошқа күринишлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни топишига ҳам эътибор бериш керак. Тасвирланаётган образнинг таъсирчанлиги танлаб олинган натуранинг қизиқарли томони билан ҳам белгиланади. Шунинг учун рассом натуранинг энг таъсирли жиҳатларини топа билиши, бунинг учун натурани ҳар хил ҳолатларда, куннинг турли вақтларида диққат билан кузатиши керак.

Зарур уфқ чизигини белгилаш, ўнг ва чапдан, яқин ва узоқдан қараб, шундай бир нұқтаи назарни - кўриш нұқтасини топиш керакки, токи натура ўзининг ифодавийлиги билан рассом ниятини оптимал даражада амалга ошириш учун хизмат қиласин.

Картинада барча нарса рассомнинг истагини, ғоясини ифодалашга бўйсундирилади. Композициянинг мукаммаллиги асосий манзара кўринишларнинг иккинчи даражалиларидан фарқлай олишда кўринади. Ҳар бир деталь ўз ўрни ва мазмуний вазифасига эга.

Композициядаги иккинчи даражали, унча мухим бўлмаган нарсалар дархол кўзга ташланмаслиги, асосий кўринишга алоҳида ургу берилиши керак. Асосий манзара картинада алоҳида диққат ва эътибор билан ифодаланиши зарур. Биз атрофни кузатганимизда кўп ҳолларда битта мухим деб ҳисоблаган нарсамизга диққат билан қараймиз. У бизнинг кўриш майдонимиздаги марказга жойлашган бўлади, унинг майда-чуйда белгиларигача эътиборимиздан четда қолмайди. Кўриш марказидан четда турган бошқа нарсалар эса умумий тарзда, яхлит ҳолда қабул қилинади. Картинанинг композицион қурилиши кўп жиҳатдан инсоннинг кўриш сезгисидагиана шу ўзига хосликка асосланади. Рассом картинада асосий манзарани ранг, тус, шаклининг аниқлиги билан ажратиб кўрсатишилозим.

Картинада мувозанатни сақлаш учун рассом натурани кузатиш жараёнида зарур ракурсни белгилаб олиши керак. Акс ҳолда тасвир худди бир тарафга оғиб кетаётгандек, картинаға бир томони бўшқолгандек таассурот бериши мумкин. Мувозанатни сақлаш тасвирланаётган манзара

кўринишларининг миқдори ва қандай жойлашганлиги билангина эмас, балки уларнинг ранг-туси билан ҳам боғлиқ. Картинанинг бир томонидаги ёрқин рангларни иккинчи томонида ҳам маълум бир холатда кўллаш керак ёки картина нинг биртомонига алоҳида эътибор бераб, бошқа томонини бироз назарда қолдириш ярамайди.

Картинада ҳамма нарса асосий фикрга ва ғояга қаратилиши керак. Композиция яхлитлигига иккинчи даражали нарсалар биринчи даражали нарсаларга боғлиқ бўлиб, бутун тасвирни ягона мақсадга кўзга ташланмаслиги лозим. Асосий қисм ажратилиб тасвирланади. Агар картина ди нарсалар бир хил аҳамиятли бўлиб пала-партиш тартибда жойлаштирилса, композиция ўз ифодалилигини, аҳамиятини йўқотади.

Асосий натура тасвирини картинада яхшироқ жойда диққат билан тасвирлаш муҳим.

Асосий ҳаракат, воқеа картина текислигининг марказига яқинроқ жойлаштирилади. Бу томошабинга картина кўришда унинг маъносини узоқдан тўла қамраб олишга имкон беради. Композицияда бир неча бир хил аҳамиятга эга марказ композиция яхлитлигини ва бирлигини бузади. У томошабин идрок қилишига имкон бермайди.²

Композиция марказини ажратиб кўрсатишда картина табиий идрок қилишда нур-соя, қиёфалар катталиги, ранглар нисбати ва қиёфалар оралиғи масофаси орқали амалга оширилади. Рассом картина нинг муҳим қисмини ранг билан, тус билан ва деталларга ишлов бериш йўли билан амалга ошириш мумкин.³

Манзара чизиши жараёнида ранг хусусиятларидан фойдаланиши

Рангтасвирнинг энг асосий ифода воситаси - бу ранг. Ранглар рангтасвир асарига тасвирий санъатнинг бошқа турларига қиёслаганда алоҳида ҳаётйлик бағишлийди, тасвирнинг тўлалиги ва ишончлилигини таъминлайди. Рассомнинг ғоявий мақсади ҳамда тасвир жараёнидаги

²Stacey Goerge Artists Living With Art

³Virgil Elliott Traditional Oil Painting

кайфиятига мувофиқ равища манзарада ранглар ёрқинлашиши, нур ва ҳаво етакчилик қилиши, бу орқали тасвир жараёнида рассом руҳий ҳолатидаги кўтаринкилик, ҳаётсеварлик ва келажакка ишонч туйғуларига ишора қилиниши мумкин. Ёки аксинча, совук ранглар орқали тушкун кайфият, безовталик кабилар ифодаланган бўлади. Рангнинг асосий хусусиятлари унинг ёрқинлиги (оч-тўклиги) тузи ва тўйинганлиги билан белгиланади. Ранг борасида гап кетганда бир нарсани унутмаслик керак–соялар ҳам рангли бўлади. Бунда рассом бир рангнинг нур ва соя ҳисобига тусланишини кўра олиши ва шунга мувофиқ акс эттира билиши керак бўлади. (валёр рангтасвири). Шунингдек, манзарада рефлекслардан фойдаланиш–тасвирланаётган предметнинг бошқа буюмларнинг ёруғлиги ёки ранги таъсирида ўзгаришини тўғри белгилаш ва акс эттириш ҳам муҳимдир. Бу эса манзаранинг рангдорлигини таъминлайди. Манзара рангтасвирида ҳар бир ранг суртмасига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Манзарани профессионал даражада маҳорат билан ишлаш ундаги ранглар муносабатини реал ҳолатини натурада кўрилганидек тасвирлай олиш билан белгиланади. Манзара ишлаш жараёнида рангларнинг ўзаро муносабатини ҳис қилиш ва акс эттириш малакасини ҳосил қилиш учун манзара кўринишларининг ёруғ–соя таъсиридаги ўзгаришларини зарурӣ пландаги кўринишларда кузатиш, ўзаро қиёслаш яхши самара беради.

Натурадаги манзараларнинг кўриниши уларнинг ёритилиш даражаси ва бошқа манзаранинг соялари таъсирида ҳам ўзгаради. Тонгда натура сариқ–олтин рангидаги кўринади, ой нурида кулранг–мовий рангга, булутли кунда эса тўқроқ кумуш рангига киради. Ўрмонда ҳамма нарса илиқ яшил рангга мойил бўлади. Манзара чизиш жараёнида рангтасвирнинг пластик воситаларидан ҳам фойдаланилади. Бунинг учун натурадаги ранглар динамикасини диққат билан кузатиш зарур. Шундагина ёруғ ва соя доғларининг картина бўйлаб тарқалишидаги табиийликка, асарнинг жонли ва таъсирили чиқишига эришиш мумкин бўлади.

Умуман, тасвирий санъат асарини идрок қилишдаги ўзига хосликдан келиб чиқилса, тасвирий санъат асари, энг аввало, алоҳида қисмлари орқали эмас, балки бир бутунича идрок этилади, шундан сўнг секин-аста картинадаги қисмларга, деталларга эътибор қаратилади. Шунга кўра, рангтасвир асарида биринчи навбатда кўзга ташланадиган, томошабин дикқатини жалб қиласидиган жиҳат ранг ундаги колоритидир.

Колорит манзара чизиш жараёнидаги рассом эътибор қаратиши лозим бўлган энг муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади. Колорит деганда тасвирий санъат асаридаги рангларнинг ўзаро уйғунлиги вабирлиги тушунилади. Колорит рангтасвирдаги бадиий образнинг эмоционал ифодавийлигини таъминлайдиган муҳим воситаларидан бири бўлиб, рангларнинг ўзаро уйғунлигига кўра у илиқ ёки совуқ, ёруғ ёки хира бўлиши, шунингдек, хотиржамлик ёки безовталикни ифодалаши мумкин.

Манзара чизиш жараёнида кўпинча ва айниқса бошловчи рассомларга предметнинг ранги ҳақида илгаридан шаклланиб қолган тасаввурлар ҳалақит бериши мумкин. Предмет қандай ёруғлик мухитида жойлашганига қарамай, унинг ранги ҳақида илгаридан шаклланган тушунча хотирада сақланиб тураверади. Натижада тажрибасизроқ рассомлар этюд ишлаш жараёнида жиддий хатога йўл қўядилар манзара кўринишини илгаридан шаклланган тасаввурларига кўра тасвирлайдилар. Масалан, майсаларнинг ранги кузатувчидан узоклашиши, шунга мувофиқ равишда мухитнинг ўзгаришига ўзгаришини ҳисобга олмасдан бирдек яшил рангда тасвирлайверадилар.

Манзара чизишдаги муҳим жиҳатлардан яна бири картинада об-ҳавони, фаслни, куннинг турли вақтлардаги ҳолатларини тасвирлай олишdir. Бу нарса картинада умумий тус ва ранг кайфиятини бераолишиш дейилади. Табиатнинг тез ўзгарувчан ҳолатлари – эрта тонг, пешин, кеч, нам ҳаво, қуруқ ҳаво, булутли кун, қуёшли кун вабошқалар ўзига хос ранг гаммасини талаб қиласиди. Куннинг турли вақтларида ва турлича об-ҳаво шароитида ишланган этюдлар бундай пайтларда табиатнинг ёритилиш ҳолатидаги ўзгаришларга мувофиқ тарзда ўзининг умумий тузи ва рангига кўра фарқланади.

Табиатнинг турлича ёритилганлик ҳолатларидаги фарқларни ўрганиш учун битта натуранинг ўзини булутли тунда об-ҳавода, қуёшли кунда, ёзда ва қишдаги кўринишларини кузатиш, тасвирлаш фойдалидир. Манзарада умумий тус ва рангдаги уйғунлик, яхлитлик йўқлиги бир неча хил ранг-тус ҳолатларини юзага келтиради. Бундай асар табиат гўзаллигини ифодалай олмаганидек томошабин туйғуларига ҳам таъсир эта олмайди.

1.4. Бир неча вариантда эскизлар устида ишлаш

Табиат манзарасини куннинг турли вақтларида ва ҳар хил об-ҳаво шароитида кузатиб, чизиш учун энг мақбул ҳолати аниқланади. Сўнг уни қандай қилиб образ тарзда акс эттириш йўллари қидирилади. Яъни мазкур ҳолат ва табиат кўринишига хос бўлган умумий жиҳатлар идрок этилиб, кўплаб кичик-кичик ўлчамли композиция эскизлари чизиб кўрилади. Ундан келиб мақбул варианти олдиндан тайёрланган бир қанча ранг лавҳа ва қаламчизгилар асосида ишлаб чиқилади. Аммо бу жараёнда манзаранинг аниқ мақсадга ишланадиган рангларвҳаси билан ёрқин тугал манзара - композиция орасидаги фарқ бўзилмаслиги керак. Оддий машқ сифатида бажарилади. Ана шундай кўплаб бажарилган ишлар тўплами асосий манзара асарининг мазмуни, композиция тузилиши, ранг хусусиятлари устида самарали иш олиб боришда жуда муҳим рол ўйнайди.

Манзара ранг лавҳаси устида ишлаш жараёнида “манзара чизиш тасвирий санъатнинг энг осон жанри, унда буюмлар аниқ ўхшатиб тасвирланмаса ҳам, кўринишни хоҳлаганча ўзгартириб ишласа ҳам бўлади”, деган ва шу каби баъзи ҳаваскор рассомлар ўртасида учраб турувчи хато, нотўғри фикрлардан иложи борича йироқ бўлиш керак. Чунки асар яратишда осон мавзу, қийин мавзу, осон жанр, мураккаб жанр деган тушунчаларнинг бўлиши асло ҳақиқатга тўғри келмайди. Ҳар қандай асар унга ҳалол, вижданан меҳнатсеварлик билан ёндошилса, муваффақиятли чиқади.

Асосий ишга тайёргарлик мақсадга мос келадиган жой танлашдан бошланади. Масалан, шаҳар мавзусидаги манзара рангларвҳасини яратиш ҳақида тўхталиб ўтайлик. Аввал мавзуни аниқлаштириб олинади. Яъни эски,

кўхна, тарихий воқеалар гувоҳи бўлган меъморий обидалар, иншоотлар акс этган рангтасвир асари яратмоқчимисиз ёки, янги замон белгилари ёрқин акс этган, фан техника янгиликлар натижасида бунёд этилган осмонўпар бинолар кўриниши иштирокидаги, ё бўлмаса, ҳам кўхна, ҳам замонавий навқирон шаҳар кўриниши биргаликда акс эттирилгани маъқулланиб, ана шулар аниқ фикрлаб, режалаштириб олингач, тасвирлаш обьекти танланади, уқандай миқёсда бўлиши белгиланади. Энг мувофиқ кўришга эга бўлгаи жойдан қараб туриб, қалам чизғилар, ишлатади. Иш жараёнида бўлажак манзара асарига композиция ечими, ранг уйғунлиги, тугал намуна нусҳасининг катта-кичиклиги, қандай ўлчамда бўлиш масаласи ҳам пухта ўйлаб ҳал қилинади.

Табиатда нарсанинг ҳажми кўзимизга бўртиб кўриниши учун унинг бир томони яхши ёритилган бўлиши керак. Юқоридаги ҳолатда эса предметларнинг фақат ёруғ тушган томонларигина кўзга ташланади, шунинг натижасида нарса ҳажми бўртиб кўринмайди. Манзарани тавирлаш устида иш олиб бориш бўйича етарли даражада малакага эга бўлмаганларга бундай шароитда нарсаларининг ҳажмини ва ҳаққоний тарзда тасвирлаш жуда қийин бўлади ва ниҳоят табиатдаги нарсаларга қуёш нурлари рассомга нисбатан ён томондан тушган ҳолатда эса, буюмларнинг бир томонига тиник ёруғлик тушиб, соялар қуюқ кўринади. Барча нарсаларнинг ҳажми бўртиб туради. Айни ёндан тушган ёруғлик, рассомга, айниқса қулай ва ҳоҳишига мос келади.

Композиция мукаммаллигининг биринчи белгиси-картина мазмуни бир қарашда узок масофадан ўқилиши керак. Аксинча эса, энг муҳими композиция безаги – композиция томошабинга тушунарли бўлиши асоси топилмаганлигидадир.

Эскиз – бу картина лойиҳаси, картина устида ишлашнинг биринчи босқичи. Эскизда холст формати, тасвир ўлчамлари, кўриш нуқтаси, горизонт чизиқ баландлиги аниқланади. Эскиз вариантларида ифоли, аниқ ечим, буюм ва обьектларни ҳаққоний жойлаштириш, қиёфаларни гурухлаштириш, ғоявий марказни аниқлаш амалга оширилади.

Композицияда ортиқча шакл, қиёфа бўлмаслиги керак. Ҳар бир қиёфа умумий ғояда ўз вазифасини белгилаши ва ҳамма ҳолатлар мавзуни очиб беришга ёрдам бериши керак.⁴

Эскизни рангда ишлов беришда картина томошабинга яхши таъсир қилиши учун мавзу, ғояга асосан колорит яратиш керак. Картина колорити тасвирланаётган ҳолатнинг тусиға ва рангиға, кун вақтига, об-ҳаво шароитига мос келиши керак. Эскиз ранг қурилиши шундай ташкил қилиниши керакки, у ёритилиши ҳолатини, композиция марказини аниқлашга хизмат қилиб картинанинг таъсир кучини тўлдирсин.⁵

Айнан воқелик содир бўлаётган жойдан наброска, зарисовка ва этюдлар қиласи. Ушбу ечилган материаллар орқали талаба ўз мавзуси бўйича биринчи эскизлар қиласи. Қилинган асарлардан маъқули ўқтuvчи томонидан тасдиқланади ва тасдиқланган эскиз бўйича талаба яна изланишлар олиб борилади. Эскиздаги хажмларни келтириб чиқади, асар колоритини хал қиласи. Шу тариқа яна бир нечта эскизлар бўлади. Эскизлардан енг мукаммали танланади.

Очиқ ҳавода расм чизишнинг бошланишида оддийроқ сюжетни танлаган маъқулроқ. Масалан, ҳовлининг бир қисми, уй ёнидаги ёки девор олдидаги дарахт, кўприкли ариқча, характерлироқ қўчани бирқисми, дарвоза олди ва ҳоказо. Очик ҳавода этюд ишлаш бўйича бир мўлжал малака ҳосил қилгандан сўнг вазифасини секин-аста мураккаблаштириб бориш мумкин. Одатда манзара ишлашнинг икки хил типи мавжуд: Биринчиси; давомли, яъни тутатилган манзара. Иккинчиси; қисқа муддатли бир сеансли этюдлар. Узоқ муддатли манзаралар ишлашда фазони ишончли тасвирлаш об-ҳавонинг ҳолати, ёруғликнинг нозик қочирилмлари ва манзара кўринишининг шакли-шамойили анча аниқликда ишланади. Узоқ муддатли давомли этюдларда натуранинг тўлиқ ифодалаш қобилияти ва дастлабки фикрни тўла-тўкис рангтасвир асарига айлантира олиш тарбияланади. Узоқ муддатли

⁴Charles Bouleau The painter's secret Geometry A study of Composition in art

⁵Stacey Goerge Artists Living With Art

ишларни бир неча сеансда куннинг (бир пайти) ўша вақтида ҳавонинг бир хил ҳолатида ёзиш чизиш керак.

Яхлитликни ривожлантириш ва рангтасвири қуруқ ва камбағал бўлиб қолишдан қутулиш учун давомли тасвирлардан ташқари қисқа муддатли этюдлар бажариш зарур бўлади. Бу этюдлар манзарачи учун ўта зарурий босқич бўлиб, рассомнинг ўзига хос кундалик дафтариdir. Этюддаги энг аҳамиятли нарса бу натура ҳақида жонли нигоҳ ва жонли тасаввурдир.

Очиқ ҳавода ишланар экан, табиатнинг тез ўзгарувчанлигини кузатиш мумкин: бўронли булут ва момақалдироқ, қуёшнинг чиқиши, булутларнинг ҳайратли алмашинишлари ва рангдор ёритилишини кузатиш мумкин. Бундай ўзгаришлар 5-10 минут ичидаёқ содир бўлади: кун ботиш бутунлай бошқа рангга киради, булутларни ҳам шакли бузилиб кетади. Бундай пайтда жуда тез ишлаш талаб этилади, бошланғич чизматасвири тўлиқ бажариш ҳам шарт эмас ёки умумий ҳолда кист билан белгилаб олиш кифоя қиласди. Сўнgra тезда зарурий тусдаги буёқларни танлаб йирик мазеклар билан ишлаш керак. Қисқа вақт ичидаги умумий ранг тусининг ҳолатини ҳосил қилиш ранглар гармониясини, планли боғланишларни юзага чиқариш зарур бўлади. Бу ерда албатта яхлит кўриш зарур ва асосий объектларни таққослаш матода асосий ранг муносабатларни жойлаштириб олиш: осмон, ер, дарахтлар, сув ва ҳоказо. Агар, умумий тус ишончли олинса, ёруғлик кучи, ранг ва унинг тўклиги (тўйин-ганлиги) натуравий нисбатларга мос бўлса, ҳар хил планларни муносабати тўғри илғаб олинган бўлса шуларни ўзи этюдкоралама учун етарлидир. Яхлит кўришни билиш ва катта шакл нисбатларини топа олиш қўнимкаси келажакда манзара ишлаш маҳоратини эгаллаш учун пойдевор бўлиб хизмат қиласди.

Давомли этюд ишлаш жараёни ҳақида тўхталиб ўтамиз. Манзара кўринишини танлаб олингач, тасвир юзасида тайёргарлик чизмалари ишланади. Чизматасвир албатта, шубҳасиз, перспектив қурилиш ва турли манзара кўринишларини планли ва нисбатларини сақлаган ҳолда чизилади.

Манзаранинг чизиқли тасвирини тўғрилиги бошиданоқ ишнинг сифатини белгилайди. Мободо рангларни муваффақиятсиз қўйилсада, чизиқли тасвир этюднинг қимматини сақлаб туради. Машхур итальян рассоми Тициан ўзининг ўқувчиларига такрорлар эдики: - на соя-ёруғлар, на ранглар эмас, балки тасвири тўғри чизилган шакл ва чизиқли тасвир гўзал қиласди”.

Тажрибасиз рассомлар кўпинча бошиданоқ қўпол хатога йўл қўядилар, осмонни барча тавсифлари билан чизиб оладилар, сўнг ернинг тасвирига ўтадилар. Бундай қилиш ярамайди. Манзарада аввало асосий обьектларнинг тўқлиги ва рангининг кучини тасвирлаш: осмон, ер, сув ва бошқа ва сўнгра босқичма-босқич этюдни тугаллаш ҳолатигача олиб бориш зарур. Буёқлар билан ишлашдаш аввал натурага кўзни қисиб қараб, натуранинг энг ёруғ ва энг тўқ жойларини чамалаб олиш зарурдир.

Айтайлик, энг ёруғ блик жой сувнинг чекка қирғофида, энг тўқ жой эсадарахтнинг шохлари дейлик. Бошқа барча тўқликларни шу икки бош нуқтага нисбатан таққослаймиз. Бундай таққослашда ҳатто оғир қора булутлар ҳам тўқлиги жиҳатидан албатта ердаги обьектларга нисбатан енгил эканлигини кўриш мумкин.

Умуман олганда, фақат чуқур фикрлаб, предмет ва планларни тўқлиги ва рангдаги фарқларни аниқ тасаввур этиб олиб, сўнг ишга киришган маъкул. Иш жараёнида манзаранинг умумий тўқлиги ва ранг холатини ҳисобга олиш зарур. Куннинг турли вақтида ва ҳар хил об-ҳавода ёзилган этюдлар умумий тузи жиҳатдан турлича бўлиши керак. Шуни яхши англаб олишимиз керакки, предмет ва жисмларни очиқ ҳавода тасвирлашнинг асосий ўқув вазифалари турлича ёруғлик муҳитида, умумий ёритилганлиги турлича бўлган, сутканинг турли вақтига, фаслга, об-ҳавонинг ўзгаришига боғлиқдир. Айниқса, асосий ёруғлик манбаига нисбатан предмет ва обьектларнинг рангли кўриниши кучли равишда ўзгариб кетади: эрталаб, кундузи, кечки пайт. Масалан, дарахт соясидаги натура билан баланд девор ёнидаги соядаги

натуруанинг, ўзининг соясининг рангига нисбатан бир хил бўлмаган ранг гаммасини ташкил қиласди.

Бир хил вақтда, барчаси яшил сояланади, баъзида осмон таъсирида кўкиш бўлиши мумкин. Олдинги дараҳтларнинг ранги нафақат ёрқинроқ ва иссиқроқ, шу билан бирга узоқроқдаги дараҳтлар тобора хирадашиб, совуқ соялар бўлиб боради ва ҳолангки, яшил-сариқ ўрмонзор горизонтда, кўк рангдаги чизиққа айланади. Дараҳтларнинг бундай ўзгариши маълумки, кўкиш рангга эга бўлган ҳавонинг биздан узоқлашган сайин қуюқлашиб бориши эвазига рўй беради.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳаво перспективасининг бундай қонуниятини ҳар қандай манзарани тасвиrlашда қўлланади деб ўйлаш тўғри эмас. Ёруғлик ҳолатининг об-ҳавонинг шундай вазиятини учратиш мумкинки, анчайин аниқроқ ва ёрқин ранглар тузи ва ранги билан олдинги планда эмас, балки ўрта ёки ҳатто узоқ планларда бўлиши мумкин.

Шу ўринда манзараларда кўпинча учраб турадиган сувни тасвиrlаш хусусиятлари ҳакида тўхталиб ўтамиз. Тинч об-ҳавода сув қиргоқдаги барча нарсаларни аксидаги рангларни ёрқинлиги ва майнлиги, сувнинг устидаги ўзига нисбатан сустроқ бўлади. Аксининг ранги сувнинг рангига ва сув тўлқинлашига қараб ўзгарилиши. Тўқроқ предметлар аксида натуралагига нисбатан ёруғроқ, ёруғлари тўқроқ кўринади; предметларнинг чегаралари ноаниқроқ, хирадашиб, деталларнинг сони ҳам юқоридагига қараганда камайиб боради. Сув юзаси доимо бликлар ва томчилар билан белгиланади, шунингдек, сувдан чиқиб турган ва унда сузуб турган предметлар кўринади. Ёруғ кунда сув одатда қиргоқдан ёруғроқ булутла кунда тўқроқ бўлади. Натурала бир хил бир текис ранг бўлмайди, қайсики матода бир хил ранг билан қоплаб ҳам бўлмайди. Ҳар қайси ранг рангтасвиrда ўзининг кўплаб рангли жилоларини кўрсатади. Осмон бир қарашда тўлиқ тўқ рангда кўринади, лекин, осмонни горизонт билан бўлган қисмини бошимиз устидаги жой билан таққосланса, дарҳол рангларнинг бир хил эмаслигини пайқаймиз.

Күёшнинг ёруғида ранг анчайин ёрқин-жилоли нур тушган жойда, уфқа яқинлашган сари осмон ранги очлашади, иссиқлашади, горизонтни ўзида кучли туманда кўринади. Агар ёзда яхши майсазорга қаралса, яшил ранг турли-туман товланишларини кўриш мумкин. Майсаларни бир хил яшил билан чизиб, тасвирлаб бўлмайди, худди осмонни кўк бўёқ билан ишлаб бўлмагани каби.

Бироқ, шуни унутмаслигик керакки, манзаранинг ранглари қанчалар ранг-баранг бўлмасин, ёруғлик нури, умумий тус унга таъсирини ўтказади, барча жисмларда барча бўёқлар унга бўйсундирилади. Натурадан ҳар куни этюдлар бажариб бориш билан албатта рассом катта зафарларга эришиши мумкин.

Ижодий манзаралар чизиши

Манзара жанрида ишлашни кўпинча оддийгина оммабоп иш деб ҳисоблайдилар, рассомдан кучли малака талаб этмайдиган иш деб нотўғри фикрлайдилар. Ваҳолангки, аслида манзара рангтасвирида чукур образли қўриниш яратиш бу осон эмас. Рассомга у чуқурижодий қониқиши хосил қилувчи ҳиссиёт берувчи воситадир.

Манзара композицияси устида ишлаш энг қизиқарли эътибор тортувчи мотив танлашдан бошланади. Бу маънода эса энг аввало этюдлар бажаришда ёки манзара материали устида ишлагандаги асосий вазифаларни белгилаб олиш ҳам муҳимдир.

Сўзсиз этюд ёзиш манзара картинаси устида ишлашга нисбатан албатта енгилроқдир. Бироқ этюдга нисбатан ҳам анча жиддий муносабатда бўлиб, теварак-атроф муҳит ҳақида тасаввурларини кенгайтириш ва унга касбий маҳоратни ошириш, мукаммаллаштириш воситаси сифатида қараш керак. Машҳур манзарачи рассомларнинг ижоди бизни янги мотивлари билан ўзига тортади. Унда томошабин уста шахсининг аксини илғаболади, унинг индивидуал (почерки) чизгиси, бу билан у ўзиниҳиссиёти, кайфияти эстетик галаёнларнинг, табиатнинг таъсиридагўзalлик таъсирида кўради.

Машхур манзарачи рассомларнинг барча жиҳатларини ўзлаштириш уларга тўлиқ боғланиб қолиш, тақлид қилиш, бегона композицияларга суяниб қолиш ярамайди.

Табиатдаги гўзалликни кўра билиш кўникмаси, янгиликни идрок этиш бизнинг давримизга хос характерни топиш фазилатини кўплаб рассомлар ижодида кўриш мумкин. Айрим ёш рассомлар композициядаги чизиқли ечимни ўрнига тўлиқ баҳо бермайдилар, улар асосий нарса рангтасвирда бу колорни деб ҳисоблайдилар. Бу нотўғри. Манзара рангтасвирда теппа тенг-чизиқли ечим, рангтасвир ва композиция зарур ҳисобланади.

Натурадаги энг қизиқарли мотив топиб олингандан сўнггина композицион изланишлар бошланади. Этюдни ўлчами, формати аниқланади.

Одатда тажрибали рассомлар тайёрлаб олинган форматдаги холатда ишлаш вазифасини қўядилар. Бу ҳолатда чизувчининг атрофида бор бўлган табиат кўриниши мотивини жойлаштиришга тўғри келади.

Бошқа рассомлар эса фикрий-гоявий изланишлар олиб боради, табиатни кузатар экан, кўриш нуктасини ўзгартиради. Бунда рамка кузаткичдан фойдаланилади. У зарурий (горизонтал, вертикал ёкияқин квауратга) формат топишга ёрдам берувчи. Шунга қараб материал асос (холет, қофоз ёки картон), одатда, бу этюдга чиқищдан аввал тайёрлаб олинади. Яна шуни ҳам айтиш мумкинки, ёрдамчи воситаларисиз ҳам, кўз чамаси билан зарурий манзарани қисмини танлаб олиш мумкин.

Этюд ишлаш жараёнида танланган мотивнинг композицияси, унинг тонал ва колорит ечими, натурадан чизилган тасвир билан таққосланилади ва бу ҳолда айрим камчиликлар чизиқли тасвирда, колоритда, контраст ва тонғдаги кучи, қайсики охирида манзаранинг ифодавийлиги ҳал қиласиди. Манзара картина яратиш мўлжалланар экан натурадан чизиш билан рангтасвирчининг кузатганлари ва таассуротлари акс этади. Кўп манзарачилар шундай ишлайдилар. Баъзи бир рассомларгина уларга маълум бўлган хаёлий таассуротлар ва ранг билан ишлайдилар. Натурадан ишлаш картина устида хийла оғир жарён ҳисобланади, бажарилган этюд эса картина

учун ёрдамчи материал бўлиб хизмат қилади. Картина устида ишлаш жараёнида картинанинг чизиқли ечими, тус ва рангдаги эскиз бажарилади. Рассом яна ва такрор натурага мурожаат этади, унда қўшимча табиатнинг образлигини бойитувчи характерли штрихлар топади. Замонавий манзарада эса инсон фаолиятининг натижаларини ифодалаш мумкин. Қайсики композицияга одам тасвирларини (фигурасини) киритиш билан манзара картина композицияси устида ишлаш шу даражагача давом этадики, қайсики чизиқли композиция натурадан олинган этюд ёки хомаки расм асосида тусли ва рангли ечимини топгунга қадар. Бу вазиятда тугал ҳолда шундай аниқ вазифалар бажариладики, қайсики ҳар ҳолда қисман бўлса-да биринчи

Композицион эскизларда ечиб борилгандагилар асосланади. Бу билан фаол ҳолда, барча асосли материаллар композицияга ва чизиқли расмга ва рангли қурилишига тузилади.

Иш жараёнида албатта контраваллар ва яхлитлик қонунига амал қилинишини ҳисобга олиш керак. Алоҳида унутмаслик керакки, тус ва ранг контрастлари, шакл ва ўлчам ва бошқа элементлардаги контрастлар ҳам тасвирий мотивга кирувчи.

Картина устида ишни тугаллаш босқичида рассом алоҳида вазифаларни бажаришга яъни қизиқиб кетиши мумкин. Алоҳида деталларнинг тус ва тугал муносабатларни беришда бу эса композицияни қўпол ва қуруқ бўлиб қолишига, кайфиятни ўзгариб кетишига олиб келади.

Шу боис композицияга яхлитлик қонуни призмаси орқали қараш ва композициянинг бўлакларга ажралиб кетишига йўл қўймаслик керак.

Назорат учун саволлар

1. Композиция фани мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
2. Бўёқларни текислик юзасига суришнинг кўп усуллари мавжудми?
3. Рангтасвир жанрларидан қайсиларни биласиз?
4. Композицион тизимдаги ранглар уйғунлигининг, эмоционал-психологик таъсиричанлигини аниқланг?

5. Тасвирий санъатда табиатни реал ёки хаёлий кўринишларини акс эттириш қандай тасвирланади?
6. Манзара ишлаш жараёнида перспективанинг роли?
7. Манзара ишлаш жараёнида ранг хусусиятларидан фойдаланишнинг аҳамияти?
8. Картинада мувозанатни сақлаш учун рассом натурани кузатиш жараёнида қандай холатни белгилаб олиши зарур бўлади?

II. БОБ. МАДАНИЙ ҲОРДИҚ. (ТАЕТР, ИСТИРОХАТ БОҒИ ЁКИ АТТРАКЦИОНЛАР)

2.1. Эскизга маълумот йиғиши (маиший жанрдаги тематик композиция)

Маиший жанрдаги тематик картинани яратиш мазмун ва ғояни очиб берувчи воқеа билан боғлиқ ва воқеани энг хусусиятли, қизиқарли нуқтасини тасвирлашниталаб этади.

Инсон яшаб турган мухитда содир бўлаётган воқеаларни ифодаловчи бу жанрқадим замонларда пайдо бўлган. Ўтган асрнинг демократик рассомлари халқҳаётини астойдил ҳаққоний, тасвирлаб берганлар. Ёшлиаринг кундалик ҳаёти, меҳнати, ўқиши, тасвирий санъат маиший жанрнинг бир қатор асарларида ўз аксини топди.

Маиший жанрда ҳам композицияни талаблари мавжуд.

Мазмун ва ғояни композициянинг маълум воситаларида очиб бериш: кўриш нуҳтаси уфқ, фазовий узоқлашиш, шунингдек композиция маркази асосий ва иккинчи даражали предметлар ёруғлиги, тус, ранг, колорит муносабатларига риоя қилишдан иборат. Перспектива қонунлари, мувозанат, симметрия, динамика вазифаларидан тўғри фойдалана билиш, керак.

Композиция тузилиши хона чеккаси (интерьер) ёки очиқ ҳавода бўлсада. асосий ўринни одам қиёфасининг тасвири эгаллайди.

Рассомнинг ҳаётни кузатиши натижасида бўлган мавзуга оид қўплаб бажарилган хомаки чизги, этюд, эскизлар композиция тузилишига асос бўлади



Икки-уч фигурали композиция тузиш учун уйда ёки олийгоҳда одамларнинг меҳнат қилиш ёки дам олиш жараёнида тасвирлаш учун унинг касби, ҳарактерини, ҳаётдаги воқеани қизиқарли ҳолатини ўрганиш лозим.

Натурадан бажариш билан бир қаторда ҳаёлдан ва тасаввур қилиб ишлашни машқ қилишни одатга айлантириш керак. Буларнинг бир нечаси бадиий ижод жараёнининг юсинига, тасаввурини бойитишда муҳим восита бўлиб хизмат қиласи.

Рассом омманинг гўзаллик, эстетик талабларини акс эттирувчи ва унга бадиий маданиятни олиб кирувчи шахсdir.

Ҳаётий воқеалар тарихий жанр композиция оламида рассом томонидан муроккаб ижодий таҳлилидан ўтади. Композиция қонунларига амал қилиб, тамошабинга картина мавзусини очиб беришга ҳаракат қиласи.

Хар бир санъат асарини яратишида мазмун ва ғояни асосий ечими эскизда ўз аксини топиши лозим.

Иzlаниш жараёнида композицияга керакли деталларни, предметларни аниклаб олиш лозим, мавзуда содир бўлаётган воқеанинг марказий қисмини топиш керак. Эскиз бажариш жараёнида яхлитлик, масофа, кейинчалик, хаво перспективаси қонунларга, асосий ва иккинчи даражали гуруҳ хусусиятларига, колорит танлашга алоҳида аҳамият бериш ўринлидир.

Композиция тузилшини тўғри топиш учун натурадан-одамлар гурухидан тезкор чизгилар, эскизлар бажариш зарур, чунки ўткир қобилиятни ижодий тасаввур, «фантазияни» шакллантириш айнан шу жараёнда содир бўлади. Бу ижодий жараёндаги ўзига хос кўникмаларни хосил қилиш узок вақт машқ қилиб ишлашни талаб этади.

Композиция-бу муvalифнинг ижодий-бадиий ифодаси, маҳсули ҳисобланади. Шундай экан тасвирий санъатнинг барча жанрларида композиция яратиш юксак даражада билим, куникма, малака ҳамда қобилият, салоҳиятни талаб этади. Шу боис бўлажак рассомлар олий ўқув юртида таълим олаёттан пайтданоқ кенг қамровли фаолиятга ўзларини тайёрлаб боришлари лозим.

Дастлабки ғоя бўлғуси асарнинг асосини ташкил этувчи эскизда ифодаланади, у қўйидагилар билан ажралиб туради:

а) Мазмуний талабнома қисмларини мантикий боғланганлигини етарли ёрқин белгилари, б) образнинг асослари, в) талаб этилган ифода воситалари.

Фоянинг юзага чиқишида айниқса, идрок, фантазия, тафаккур фаол ишлай бошлайди, маълум бир йўналишда бадиий воситаларни танлайди, натижада мазмун ривожланади, конкретлашади, қисман ўзгаради ҳам.

Рассом ғоясини туғилишидан тортиб, то тугал шаклланиб олишгача баъзан узоқ ва мураккаб йўлни босиб ўтади. Фоянинг туғилиши билан тугал варианти ўртасида аниқ чегаралар қўйиш ярамайди, умуман эса ижодий жараённи алоҳида ҳолда ажратиб ҳам бўлмайди. Тугалланган асар дастлабки эскиздан доим ҳам фарқ қиласкермайди.

Рассом ғояни юзага чиқариш босқичида (стадия) катта ва хилма-хил ишларни амалга оширишига тўғри келади. Бўлғуси асарнинг моҳияти ва

таркибий қисмлари таҳлил қилинади, вариантылари таққосланади, ҳаммаси кўриб чиқилади, энг мақбуллари танланади ва ғояни аниқлаштириш мақсади билан баҳоланади.

Ғояни онгли тушуниб етиш билан ортиқчаликлар тузатилади, қисқартирилади, уни тасодифий, ноифодавий деталлардан тозаланади ва булар бўлғуси композиция сифати учун ижобий таъсир этади.

Эскизлар, вариантылар, хомаки расмларда мазмунни тўлиқ очиб бериш ёки алоҳида элементларини мазмундан четга чиқиш холатлари учрайдиган ўринлар ҳам бор. Бу вазият ижодий жараёнга хос, мунозараталаб, лекин кўзда тутилган мақсаддан четга чиқувчи-ўзгартирувчи кўринган кўринишдаги ижодий ишлар учраб туради. Бундай бетакрор асарлар албатта, буюк усталарда учрайди. Бу ўринда Леонардо да Винчи, Домье, Суриков ва бошқаларнинг қлам тасвир ишларини мисол келтириш мумкин (7-расм).

Ва ниҳоят, аввалги ўтган жараёнлардан сўнг якунловчи - сюжетни мукаммал ишлаб чиқиш даври бошланади.

Ижодий жараённинг якуний босқичи (стадияси) - бу асарни бир бошдан синчиклаб кўриб чиқишидан иборат, бунда кўп жойлар ўзгартириши, нимадир ёрдамчи материал бўлиб қолиши, нимадир чиқариб ташланиши мумкин. Бу босқич учун рассом асарни тўлалигича яхлит ҳолда кўра олиши характерлидир. У композицияни якуний ишлаб тугатиш учун нималар қилишни, деталларни аҳамияти қандайлигини билади.

Бу босқичда асарни тугаллаш учун алоҳида деталларни тўғрилаш, жилвирлаш олиб борилади. Баъзан композицион тузатиш ва қайта ишлаш шундай асосли олиб бориладики, бу ҳолатни ҳақли равища картина ёки ҳайкалнинг қайта туғилиши деб ҳам айтилади.

Хуллас, барча босқич (стадия) бир-бири билан чамбарчас боғланган, улар орасида қатъий кетма-кетлик ёки чегара ҳам йўқ. Баъзан бир вақтни ўзида икки ёки уч фаза бир бўлиши ҳам мумкин. Баъзан айрим қисм қатнашмаслиги ҳам мумкин. Ижодий жараённинг узун-қисқалигига

картинанинг ғоявий мазмуни билан бирга, хилма-хил ташқи шарт-шароитлар ҳам таъсир кўрсатади.

Тегишли этудлар ва эскизлар тайёр бўлганидан кейин асар ҳажмида картонга чизматасвир бажариш композициянинг муҳим босқичи ҳисобланади. Картонда композицияни танланган ҳажмда охирги эскиз варианти тасвиirlари жойлаштирилади, қисмлар нисбати аниқланади, деталлар пухта ишланади. Картон устидаишлаша жараёнида қўшимча натурадан картонга тегишли маълумотлар йигилади. Айрим қисмлардан чизматасвирлар бажарилади. Тўлалигича эскиз ва картон бажариб тугатмасдан картина ишлашни бошламаслик керак. Акс ҳолда кўп марта қайта-қайта тўғрилаш, тузатиш зарур бўлади. жанрли композицияда энг муҳими, адомалр образини тўғри ва чуқар кўрсатиб бериш.⁶

Асарда тирик одамлар ўрнини қомат ва бош схемалари кўрсатилган бўлса, картина ҳеч қачон маъноли ва ифодали, бадиий бўлмайди. Ҳар қандай ранг-баранглик, ишлов ва композиция усули ёрдам бермайди.



⁶Noel Gregory , James Horton Oil Painting: Step by Step

1-2 ва 3-расм композиция учун эскизларга маълумот йифиш



4-расм. Картонда композициянинг умумий жойлашувини ва кўринишларини чизиклар билан аниқ ишлаб чиқиши.



5-6 расмлар Асосий ранглар иссиқ ва совук ранглар, соя ва ёруғлик мутаносиблигини композицион асар билан боғлаш



7-расм. Композицион асарни умулаштириш ва тугатиш.

2.2. Форэскизлар устида ишлаш

Тегишли этудлар ва эскизлар тайёр бўлганидан кейин асар ҳажмида картонга чизматасвир бажариш композициянинг муҳим босқичи ҳисобланади. Картонда композицияни танланган ҳажмда охирги эскиз варианти тасвиirlари жойлаштирилади, қисмлар нисбати аниқланади, деталлар пухта ишланади. Картон устида ишлаша жараёнида қўшимча натурадан картонга тегишли маълумотлар йигилади. Айрим қисмлардан чизматасвирлар бажарилади. Тўлалигича эскиз ва картон бажариб тугатмасдан картина ишлашни бошламаслик керак. Акс ҳолда кўп марта қайта-қайта тўғрилаш, тузатиш зарур бўлади. жанрли композицияда энг муҳими, адомалр образини тўғри ва чуқар кўрсатиб бериш.⁷

Асарда тирик одамлар ўрнини қомат ва бош схемалари кўрсатилган бўлса, картина ҳеч қачон маъноли ва ифодали, бадиий бўлмайди. Ҳар қандай

⁷"The Color Guide and Glossary". 2004-52 6.

ранг-баранглик, ишлов ва композиция усули ёрдам бермайды. (1-5 расм)лар композицияни қидириб топиш ва этюдлар устида ишлаш.



6-расм. Қисмлар устида ишлаш





7- расм. Аниқ чизматасвирни қаламда ишлаб чиқиш



8-расм. Қисмларни алоҳида ишлаш



9-расм. Асар қаҳрамонларини қисмларга бўлиб ишлаш




10-11-12-расмлар асар қаҳрамонлари устида этюлар ёзиш



13-14-15-16-расмлар композицияда асар қаҳрамонларини иссиқ ва совук ранглар, соя ва ёруғлик мутаносибилигини композицион асар билан боғлаш композицияда ритм ва платикага эътибор қаратиш.



17-расм. Картонда композициянинг умумий жойлашувини ва кўринишларини чизиқлар билан аниқ ишлаб чиқиши.



18-расм. Композицион асарни умулаштириш ва тугатиш.

2.3. Мавзу бўйича композицион асар яратиш

Мавзули рангтасвир энг аввало, тасвирий санъатнинг майший, тарихий, батал (ҳарбий) ва мифологик жанрлари билан боғланади. Бундай картиналарни «жанрли композиция» деб ҳам юритилади. Жанрли картина композицияси ғоявий фикр билан тасвирланади. Ҳар қандай «саводли» жойлаштиришга эга картина ҳам, бирор ғояни чуқур ҳал этмаса, у санъат асари бўла олмайди.

Композиция устида ишлашнинг барча жараёнлари бу ғоявий фикрни бойитиш, ҳар томонлама қайта-қайта ишлаш ва реализация қилиш жараёни ҳисобланади.

Машҳур рассомларнинг айтишича инсонни тўлқинлантирадиган ва тинчлик бермайдиган қандайдир бир ғоя туғилгандагина дархол эскиз қилинади.

Талаба композиция устида ишлаганда соҳта вазифалардан келиб чиқмаслик ва картинани қандайдир бир мазмуний геометрик схемалар асосида қуриш керак. Бунда фигураларни диоганал, айлана, учбурчак асосида қуриш ва ҳоказоларни назарда тутилмоқда. Токи қизиқарли мавзуни топмасдан туриб, композиция билан шуғулланиш ярамайди.

Мавзу деганда рассом ўйлаган, ўзининг яратилажак асарида ифодаламоқчи бўлган ҳиссиёт ва фикрлар, ғоялар йиғиндиси тушунилади.

Мавзу албатта чукур билим доирасида, ҳаётий воқеалар ва тажриба асосида туғилиши керак, мавзу «долзарблик»ни рўкач қилиб, мажбурий ва соҳта, нотабиий ҳолда танланмайди. Агарки, бўлажак рассом одамларга айтиладиган ички янгилик, қандайdir воқеанинг зарур ва аҳамиятли томонини кўрсатмаса ва ўз қобилиятига қараб мавзуга киришмаса, у асар яратилмайди. Композицияда «ғоя» ва «мавзу» тушунчаси баъзан аниқ ҳолда ёритилмаслиги ҳам мумкин.

Агарки, мавзу топилиб ва рассом унга қизиқкан бўлса, тарихий, хужжатли, портрет ёки манзара материаларини ўрганиш учун астойдил иш бошланади. Бундай материалларни ҳар томонлама чукур ўрганиш билангина ижодий тасаввурда картина мазмуни яққолроқ намоён бўлади.

Тасвир ғояси, мавхум қўринишдаги чизиқлар, шакл ва бўёқларда эмас, балки жонли, конкрет образларда ифодаланади. Картинада персонажларнинг гавда ҳолати, туриши, уларниг руҳий ҳолати мотивлаштирилган ҳолдагина тасвир мазмунни жонлантиради ва бадиий образга айлантиради. Ҳар бир реалистик асарнинг зарурый асоси мазмунли воқеани топиш билан белгиланади. Мазмунни эса, ҳаракатдаги одамлар сони, уларнинг жойлашиши, гавданинг ўлчами, кўриш нуқтасини танлаш ва бошқа шу кабилар белгилайди.

Бир мавзунинг ўзи турли хил мазмунда ёритилиши мумкин. Масалан, урушга қарши мавзуларда гарчи барчасининг мазмуни, воқеаси ҳар хил бўлсада бир неч шаклда ва вариантларда яратиш мумкин бўлади.

Рассом учун мазмун дарровгина топилмайди, балки ўйланган мавзуни чукур ва тўлиқ очиб бериш имконини берувчи композицион ечим изланилади, токи, унинг кўнгилдагидек аниқ, тушунарли ифода топилмагунча жуда кўплаб қораламалар қилинишига тўғри келади. Мазмун топиб олингач эса, шу заҳотиёқ композиция эскизи устида тинимсиз, заҳматли иш бошлаб юборилади. Биринчи эскизлар кичик ўлчамда бўлгани

маъқул. Асосий композицион қурилишларни жойлаштириб олиш енгилроқ бўлиши мақсадида шундай формат танланади.

Эскиз - бу картина лойиҳаси, картина устида ишлашнинг биринчи босқичи ҳисобланади. Эскизда қоғоз ёки холстнинг формати, тасвирни ўлчами, кўриш нуқтаси, горизонт баландлиги аниқлаб олинади. Эскизнинг турли вариантларида ечимнинг энг мақбул, тушунарли ифодасига эришиш лозим, объектлар предметларни ишонарли жойлаштириш, фигуralарни гурухлаштириш, ғоявий марказни топиш лозим. Ҳар бир фигура ёки детал ўзини умумий ғояси ичидаги алоҳидаги аҳамиятли ўрнини топиши ва барча вазият мавзуни очиб бериш учун ҳизмат қилиши керак.

Тасвирий санъатда театр ёки адабиётдан фарқли ўлароқ фақат бир момент, ёки бир зумлик он тасвирланади. Ҳаракат концентрацияси ягона тасвирий моментдаги композициянинг қонуниятларидан бири ҳисобланади. Ваҳоланки, образли ечимнинг қучи вақтнинг маълум бир нарсасини идрок этиш билан боғлиқ бўлади. Картина композицияси шундай тузилиши керакки, томошабин ундаги воқеанинг давомийлигини ва бу саҳнада нима воқеа бўлиб ўтганини ва нима бўлишини ҳис қилсин. Мана шу ҳолдагина картинада ҳаёт ҳаракати берилади, у қуруқ ва жонсиз, ҳаракатсиз бўлиб қолмайди.

Эскизда композицион ечим ҳал этилгач, (персонажларнинг ҳаракати ва ҳолати, уларнинг психологик характеристикиси, кийиниши, вазияти, ва бошқа) картина учун этюд бажаришга ўтилади. Бу ишни яхшироқ бажариш учун, картина ҳолатини ёритиш мақсадида алоҳидаги бир типаж топиш зарур бўлади. Қоралама ва этюдларни албатта картина воқеаси тасвирланишига мос ҳолдаги вазият ва ёритилганлик шароитида бажарилиши шарт.

Композиция асослари ритм, нюанс, контраст, пропорция, масштаб каби қонунларини ўрганиш ва ижод давомида унга доимо амал қилиш зарурлиги талаба онгига сингдирилади.

Танланган мавзу буйича кўплаб вариантларда қораламалар қилиш. Талабаларнинг танланган мавзусидаги асосий қахрамонлар образи устида ишлаш.⁸

Бўлажак асарнинг умумий колорити, асаддаги одатлар ёки бошқа предметларнинг жойлашиши, ўзаро боғлиқлиги ва пластик холати устида ишлаш.

Композициядаги элементлар оддий ва мавхум бўлиши мумкин. Композициянинг чап, ўнг ва пастки қисмлари тўрт тамонда ҳам тўғри жойлаштирилган бўлиши керак. Юқори тамондаги қисмларнинг кенгликлари бир хил ёки бироз кичикроқ бўлиши мумкин. Шу билан бирга мажозий элемент (а – кўрсаткичидан қатъий назар бош ва елка ҳамда дараҳтлар ва гуллар оммавий бир гурухдир) марказга жойлаштирилган ҳисобланади.⁹

Бу бир қизиқиш бўлиб, яъни камдан-кам холларда анимациядаги табиат маркази мукаммал кўринади. Реализм кучли бўлса, марказдан тўлиқ элементларни олманг, композициянинг бир қисми марказнинг вертикал линияси бўйлаб қолиши керак. Бош мавзу портрет жанрида бўлса ноқулай кўринади. Шунинг учун юз қисмига кўра бошнинг орқа қисми кўпроқ ёпиши керак. Худди шундай зулм хиссини олдини олиш учун бош мавзу оралиғи шарт эмас.¹⁰

Назорат учун саволлар

1. Mai shiy жанрда композициянинг қандай талабалари мавжуд?
2. Mai shiy жанрда композиция тузилшини тўғри топиш учун қандай усуулардан фойдаланиш лозим?
3. Тегишли этютлар ва эскизлар тайёр бўлганидан кейин композициянинг муҳим босқичи қандай олиб борилади?
4. Ҳаракат концентрациясини қандай тасвирлаш лозим бўлади?
5. Композициядаги элементлар оддий ва мавхум бўлиши мумкинми?
6. Эскизда композицион ечим ҳал этилгач, қайси этапга ўтилади?

⁸Stacey Goerge Artists Living With Art

⁹ Michael John Angel Pictorial Composition/ 1b

¹⁰ Michael John Angel Pictorial Composition/ 2b

7. Мавзули рангтасвир қандай жанрлари билан боғланади?
8. Бир мавзунинг ўзи турли хил мазмунда ёритилиши мумкинми?

III. БОБ. ЙИЛ ФАСИЛЛАРИ. “ЎЛКАМДА ҚИШ”

3.1. Композициянинг пластик ечимини топиш.

Кўпчилик ҳолатларда рассом ўз картинасида воқеалар ривожи, ҳаракатдаги шахслар, уларнинг фазилатлари ва воқеа содир бўлаётган жойни тасвирилаши мумкин. Лекин картина яратиш учун булар етарли эмас. Рассом гоясини томошабинга етказиш учун, шунингдек, картина унсурлари кўзга ташланадиган шаклда бўлиши, улар картина текислигида қулай “ётиши”, пластик мавзуда аниқ ифодаланган бўлиши муҳимдир.¹¹

Композиция буюмли-мазмуний унсурлари у билан узлуксиз алоқада бўлган “махсус” композицион воситалар билан барқарор ҳаракат қиласди.

Тасвирнинг танланиши:

- аниқ ҳисобланган ургулар ва ёритиш вариантлари;
- қарама-қаршиликнинг турли усулларини қўллай олишлик;
- шаклнинг ритмик тарзини тўғри шакллантириш бунга боғлик ҳолда боради.

Ўлкамда қиши мавзусини бошлишда албатта қалам ёрдамида унинг алоҳида қисмларини чизиш ўрганиб олинади. Тасвирнинг мазмунли ва ифодали бўлишида манзара элементлари: дарахтлар, булутлар, тоғлар, жойнинг тузилиши, шакллари катта аҳамиятга эга. Шунинг учун манзара чизишида табиатни синчиклаб ўрганиб чиқиш талаб қилинади. Деталларнинг ҳар бир тури ўз тузилишига эга. Масалан дарахтлар барглар тузилиши ва катталиги билан фарқ қилишини, уларнинг шохлари перпендикулар ёки горизонтал ўсишини, мисол учун олма дарахти. Бир хил ёшдаги дарахтлар ҳаммаси бир хил кўринишида, катта дарахтларнинг шохлари эса қалин, турлича ўсган бўлади.

¹¹Charles Bouleau The painter's secret Geometry A study of Composition in art

Бошқа бир элеменларни ўрганиб олиш учун суратга олинган нусхалардан кўплаб суратлар чизишга тўғри келади. Бундай ўзига хос хусусиятлар композицияни яратишнинг зарур шартларидан биридир.

Ушбу мавзуда композиция яратиш учун чизиқли ва ҳаво перспективаси қоидалари ҳақидаги билимларни аниқ билиш талаб этилади. Бу икки перспектива тури манзарани тасвирлашда бир-бирини тўлдиради. Биргина чизиқли перспективаси расмда тўғри тасвирни бера олмайди. Ҳар бир нарса узоқлашган сари кичрайибгина қолмай, кўриниши, чизиқлари, ёруғлиги, ранги хиралашиб кўринмай боради. Шунинг учун ҳам бизга яқин бўлган нарсаларнинг аниқ тузилишларини изчиллик билан чизамиз. Ҳаво перспективаси, нарсаларнинг фазовий ўзгаришлари ҳисобига олинмай бажарилган расмлар текис, ясси бўлиб чиқади.

Манзарани маромида тасвирлаб бериш ҳам катта аҳамиятга эга. Манзара кундузи, эрталаб ва кечқурун ўзига хос кўринишига эга бўлади. Агарда манзара эрталаб ёки кечқурун чизилса ва улар бир-бири билан таққослаштирилса, фарқи яққол сезилади. Эрталаб атроф гўёки тутун билан қоплангандек бўлади. Демак, эрталабки манзарани чизганда орт томондаги кўриниш бироз хиралаштириб тасвирланади. Олдинда жойлашган предметлар тузилишини бироз аникроқ қилиб чизиш керак. Кечқурун эса аксинча, осмон тусида кўпинча нарсаларнинг тузилиши аникроқ кўринади. Ҳаво булут бўлган пайтда ер, ундаги нарсалар хирароқ, қорароқ кўринади.

Ёруғ ва соянинг фарқи қуёшли ва булутли кунда ҳам, эрталаб ва кундузи ҳам, кечқурун ва ойдин кечада ҳам ажралиб туради.

Сувдаги аксларни тасвирлаш бироз қийинчилик туғдиради. Нарсанинг сувдаги акси ҳар доим ўз тусидан тўқроқ бўлади ва нарсанинг атрофи, чизиқлари, аниқлиги камайиб боради. Сув юзаси нотинч бўлса, акс эттириш янада мураккаблашади. Манзарани ифодавий тасвирлашни ўрганишга табиат кўринишини ҳар куни чизиш машқи орқалигина эришиш мумкин. Мураккаб манзара чизишни бошлашдан аввал унинг маълум бир қисмини чизишни ўрганиб олиш керак. Манзара кўринишининг оддий бўлаклари, дарахтнинг

бир шохи, бир дараҳт танаси, илдиз қисмини чизиб ўрганиш лозим бўлади. Манзара чизиш ёки унинг бирон-бир бўлагини тасвирлашга оид алоҳида қоидалар йўқ. Манзарани тасвирлаш ҳам бошқа нарсаларнинг асл нусхасини чизиш каби бажарилади.



3.2. Қисмларнинг бир-бирига бўлган катта-кичиклик муносабатлари аниқлаш ва деталлар устида ишлаш.

Биринчи босқичда йифилган билимлар асосида композиция устида ишлаб машқлар олиб борилади. Аниқ мавзу танланган бўлмаса-да, муҳит билан буюм реал кўриниш (натура) орасидаги маъноли боғлиқлик хилмачиллигини чукур ўрганиш мумкин. Ҳаётни ҳар томонлама ўрганиш рассомга чиройли ва ҳаққоний ҳаётий композиция яратишга ёрдам беради. Одамлар ва ҳайвонлардан қоралама (наброска)лар ишлаш, ҳаёлан композиция учун расмлар чизиш, алоҳида характерга эга одамлар чизматасвири, эркин мавзуда композиция яратиш, натурморт тузиш, хонада жонли қоматли расмлар чизиш машқлари тавсия этилади. Ушбу босқич даври қанчалик қизиқ ўтса, шунчалик қикр ва композиция мавзуси аниқлашиб боради. Фикр ва ғоялар таассуротлар асосида туғилиши мумкин. Бунда рассомнинг кўп йиллик

кузатиши, ашёлар йиғиши, ақл-заковати, куч-куввати, ҳаётни ўрганиши ва уни миясига идрок қилиши, акс эттириши катта аҳамият касб этади.¹²

Аста-секин ёки бирданига ғоянинг туғилиши рассомнинг индивидуаллигига, яъни шахсий ижодий хусусиятига, қолаверса талант даражасига боғлиқ. Ғоянинг биринчи даврида композиция элементлари тахминий ҳолат бўлиб, мазмун ва ғоя, элемент ва деталларини аниқлашга ундейди.

Композицияда муҳим қаҳрамонни ажратиб тасвирлашда уни марказда жойлаштиришдан ташқари бўёқ қўйиш усули билан ҳам амалга ошириш мумкин. Иккинчи даражали қиёфалар ёки иккинчи план шаклларини ишлашда умумлаштирилади.¹³

Рассом борлиқни тасвирлар экан, табиатнинг ўзига хос муҳим томонларини, қизиқарли ҳолатларини белгилаши, унга нисбатан муносабатини билдириши зарур. Ҳақиқий текислигига буюмларни жойлаштиришда ҳамма тасвирланаётган қисмларини бир фикрга боғлайди.

Агар композиция воситалари асар ғояси билан боғлиқ бўлса тасвир бадиийлик жиҳатдан пухта бўлади. Сюжет, қаҳрамонларнинг психологик характеристикаси, колорит – ҳаммаси ўзаро боғлиқ бўлиши ғоявий фикрга хизмат қиласи. Ғоясиз ва моҳир композиция устаси бўлмай туриб пухта бадиий образ яратиб бўлмайди.

Деталлаштириш — босқичнинг техник муносабатларида энг қийин жараёндир. У аниқликни образли тасаввурни ва, бўёқ суртишда буюмнинг характеристига етарлича эътибор беришда анча аниқликни талаб қиласи. Деталь янги суртилган бўлиши билан бирга, хал қилинган, ишончли; фақат шундагина у тасвирнинг аниқлигини таъминлашга хизмат қиласи. Ишончсиз суртилган деталь бўш, барча ишни эзилган, жонсиз қилиб кўрсатади. Деталлаштириш жараёнида рассомнинг юксак маҳорати, маданияти, ва билими намоён бўлади. Шундай кенг қўлланиладиган анъанавий

¹²Stacey Goerge Artists Living With Art

¹³Noel Gregory , James Horton Oil Painting: Step by Step

деталлаштириш усулларидан мазок, штрих, пе́ро ва кисть орқали бажариладиган ретуш шулар жумласидандир.¹⁴

Штрих юмшоқ, эгилувчан учли, энг яхшиси колонок кисти ёрдамида, энг керакли асосий жойларга яъни шаклларни бўрттириб кўрсатиш, нозик, иншоотларнинг майда деталлари, дараҳт шоҳлари ва шунга ўхшаган деталларни ишлаш учун қўлланилади. Штрих ва мазокларни ишлатишида уларнинг йўналиши, ранги хамда деталнинг характеристига эътибор қилиш керак бўлади. Детал ранги юқори даражада аниқ, ёки умумий ранглар уйғулиги билан хамоҳанг, ва унгача аниқ ва ишонч хосил қилган холда деталлаштирилаётган буюмнинг ранги, штрихи танланиши лозим.

Шунинг учун хам мойбўёкли техникада детал ишлаш жараёнида ўзгача эътиборни талаб қиласи; бир қанча қайта ишлаш, у тасвир гўзаллигини йўқотади ва иш сифатини пасайтиради.

Штрих йўналиши жуда катта ахамиятга эгадир. Штрих ва мазокни бир томонга йўналтирилиши, детал ранги яхши танланмаган бўлса хам яхши натижани беради.

Ретуш майда мазок ва нуқталар билан суртилади. Ретуш орқали асосан кўринмайдиган ёруғсоя ёки бир рангдан иккинчи рангга ўтиш каби жараёнлар бажарилади. Ретуш алоҳида рангли нуқталарни битта умумий тусга келтиришида қўлланилади.

Кўпинча бундай усулларнинг барчаси рангтасвирда портрет ишлашда юздаги нозик ва ёруғсояларнинг бир бирига ўтиш, уларни характеристини аниқ тасвирлаш мақсадида қўлланилади.




¹⁴“The Color Guide and Glossary”. 2004-52 б.



Ретуш техникаси ишланаётган портреттинг юмшоқ характерли томонларини кўрсатиш қийин кечётган пайтда қуримаган бўёқлар устидан кистлар ёрдамида қўллашда кенг фойдаланилади. Бу эса асосан ёз пайтида қоралама ва этюдлар ишлашда бўёқларнинг тез қуриб қолиш пайтида бажарилади. Кўпинча иш пайтида кўтилмаган вақтда ва керак бўлмаган жойда бажараётган ишимиздаги баъзи нарсалар яққол қўриниб қолади ва буни сув ёрдамида юмшоқлаштириш жуда мураккаб кечади. Бундай холатда ретушдан фойдаланган мақул. Бу эса будай жараёнда майда штрихлар ёрдамида яққол қўринаётган жойларни хира қўринишига ёрдам беради. Асосан ретуш соя ва узоқ пландаги тасвирларни хиралаштиришда қўллалинади.


Шундай қилиб деталлаштириш – бажараётган ишимизни охирги босқичи хисобланади. Деталларни ишлашда тасвирдаги энг керакли бўлган, ишнинг характерини очиб берадиган жойларда қўлланилади. Деталлаштириш асосан композициянинг марказида томошабин дикқат эътиборини тортадиган кисмида бажарилади. Олдиндан пухта ўйланган ва кетма кетликдаги деталлаштириш нафақат тасвирни бойитади балки ундаги оразлар характерларини очиб бериш билан бирга унинг чуқур маъно ва ғоясини хамда ишнинг қийматини хам белгилайди.¹⁵



¹⁵Virgil Elliott “Traditional oil painting” USA 2007. 74p.







3.3. Маҳорат, умумлаштириш, яхлитлик ва тугатиши.

Ишнинг якуний қисми – яхлитлаш, яъни майда деталларнинг бир бутунликка бўйсундиришдир. Бу ишда асосий бўлакларнинг тус ечимиға эътибор бериш керак. Агар ола-була чипорлик яхлитликка халақт берса уларга ишлов бериш керак. Натурани яхлик кўринишга халақт бераётган хар бир бўлакни ўз жойига қўйиш керак. Агар шундай қилмасак, қўшимча деталлар асосий объектдан чалғитиб, диққатни тортади, яхлитликни бузади. Агар рассом яхлик кўришни ўрганган бўлса, тасвирни оқилона бажаради. Бу босқичда гавда силуэтига ҳам эътиборни кучайтириш даркор.

Тасвирда жуда нозик тус фақини сақлаб қолиш керак. Силуэтнинг баъзи жойларининг кучайтириб (чизиқ орқали) баъзи жойларни фон билан қўшиб юбориш керак. Кўйилмада нимани бўрттириб (чишиб) нимани фонга яқин тусда бирлаштириб юборилишини хал этиш зарур. Буни натурага яхлит қараганда ажратиб олиш мумкин.

Шундан сўнг гавданинг тўғри конструктив қурилмасига эга бўлиш мумкин. Нихоят, портрети ишланаётган одамнинг ички психологиясини очишга ҳам ўриниб қўриш мумкин. Бу нарсага деталларни яхлитлаб асосий характерли жойларини бўрттириш билан эришиш мумкин.

Нейтрал фон ҳар қандай нормал қурилмалар ёрдамида яратилиши мумкин: бу икки мисолдан иборат. Бошқа барча шароитларда эса илиқ ранг салқин ранг устидан ҳукмронлик қиласи. Шунингдек кўз кўтарилиши мумкин.

Тенг бўлган барча нарсалар кўз марказига, яъни энг катта худудда бўлади. Агар иккита бир хил ўхаш жой бўлса, вертикал марказга жойлашади. Контраст рангларнинг жойлашишига қараб марказий қисм аниқланади. Қоронғу фонда ҳар иккала қарама-қарши ранг, мисол учун, оч кулранг ва яшил қарисида ёрқин қизил обьект нури ҳисобланади.¹⁶

¹⁶Michael John Angel Pictorial Composition/ 2b



Назорат учун саволлар

1. Композициянинг пластик ечимини топиш қандай усулда амалга оширилади?
2. Тасвирнинг мазмунли ва ифодали бўлишида манзара элементларини аниқланг?
3. Штрих ва мазойкларни ишлатиш йўналиши қандай аталади?
4. Мойбўёқли техникада детал ишлаш жараёни қандай амалга оширилади?
5. Ретуш теникасида ишлашни тасвирлаб беринг?
6. Ишнинг якуний қисмида қандай амаллар бажарилади?
7. Нейтрал фон қандай нормал қурилмалар ёрдамида яратилади?
8. Контраст рангларнинг жойлашишига қараб қандай қисм амалга оширилади?

IV. БОБ. БЕРИЛГАН МАВЗУ БЎЙИЧА ВАЗИФА: “БЕҒУБОР ЁШЛИК”

4.1. Тааланган мавзу асосида композицияга мос инсон қиёфасини натурадан ишлаш.

Талабалар учун яхши ишланган шаклли, тугал этюд ишлаш ва тасвирнинг яхлитлигини сақлаб қолиш ўта мураккаб вазифа ҳисобланади. Бу вазифани талабалар дарҳол бажариши қийин. Одатда талабалар ишларида рурли маконий ўринларда жойлашган натура қисмлари, ранг ва тус суртмалари бир хилдаги кўринишда тасвирланади. Олд ва орқа пландаги натуралар бир пайтда кўзга ташланади. Буларнинг барчаси натурани яхлит тарзда кўриш умумлаштириш, композитция марказини белгилай олиш каби масалалар амалга оширилади. Асар композитцияси симметрик тарзда қурилади. Бу холат тасвирнинг бутунлиги ва яхлитлигини кўриш умумийлигининг натижасигина бўлиб қолмасдан, балки мақсадга мувофиқ равища энг муҳим композитция марказини белгилай олиш имконини беради. Чунки бу асарнинг композитцион бутунлиги бош ва иккинчи даражали қисмларнинг ўзаро алоқасига боғлиқ. Шунга кўра энг муҳим қисм

одатда асар юзасининг оптик маркази яқинида жойлаштирилади. Уни ажратишида асар қисмларни умумлаштирилди, деталлар композиция марказидан узоқлашаётган тус ва ранг муносабатлари уйғунлаштирилади. Буларни барчаси томошабин нигоҳини асарнинг композитцион марказига йўналтириш имконини беради.

Маълумки ишлаётган асарнинг композитциясини тўғри танлаш ундаги ҳар бир нарсани умумлаштириш натижасида вужудга келади. Талаба бир гуруҳ буюмга нигоҳ ташлагандан бирор бир нарса алоҳида ажралиб кўринади, қолган ашёлар хира тортади бу нигоҳ марказининг ҳосил бўлишидир. Асар композитциясида образнинг маркази қисми энг кучли ёруғлик ва ранг контрастига бўйсундирилади. Унда нигоҳ идрокнинг иккинчи даражали қисимларини кўринишидек хусусиятлари хисобга олинади. Сюжетли асарларни яхлитлиги учун биринчи ва учинчи қисмдаги тасвирланаётган буюмлар ва объектлар композитция марказига бўйсундирилиб яратилади.

Рўй бераётган холат мантиғи, персонажларнинг психологик ўзаро алоқаси тасвирнинг умумий яхлитлигини яратишида қатнашади. Кўриш нуқтаси, симметрия ва оҳанг, тус ва ранг тафовутлари, чизиш усуллари, мато катталиги ва шакли сингари композитция тузилмасиининг расмий жиҳатлари шуларга хизмат қилиши назарда тутилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган асар воқеалигидаги ходисаларнинг талаба идеалига мос тавсир бадиий асар мазмунини ташкил этади.

Танланган мавзуу (буғубор ёшлиқ) асосида композицияга мос инсон киёфаси асарининг мазмунини ифодалаш усули орқали асардаги шаклларни қандай ҳал этиш масалалардан келиб чиқади. Ушбу асарда шаклнинг мухим элементларидан асар ғоясига уйғун равишда айrim қисмларнинг жойлашиши, асарнинг умумий тузулиши композитцияни ташкил этади.

Яъни талаба композицияни маълум бир маконда тасвирлайди, унга мутаносиб тарзда буғубор ёшлиқ тасвирланади. Бундан кўриниб турибдики асар ишлаш жараёнида образ ва ҳар бир буюм бир – бирига мутаносиб тарзда олинади. Агар улар пала- partiш холда жойлаштирилса асар кетма-

кетлигидаги жараёнлар бир – бирини тўлдириб турмаса асар мағзини ташкил этувчи ғоя марказдан узоқлашиб кетишини кузатишимиз мумкин булади.

Шунингдек тасвирланган ҳар бир қиёфанинг аниқ шакли олинади, улардан нур соя холатлари олиб ташланади ва яхлит шаклга эришилади. Шу орқали тасвирланган шакллар ўзига хос услугга алоқадорлиги, шакл ҳам ғоя ҳам бир – бирисиз мавжуд бўла олмаслиги, улар ҳар доим ўзаро бир – бири билан боғлиқлиги масалаларига асосий эътибор қаратилади. Бу икки элемент бир бирига мос тушгандагина талаба ғояси тўғри тушунилиши таминланади.

Ишнинг дастлабки бошланиши аввало – модел-нусхани танлашдир. Постоновка илгарироқ раҳбар билан бирга ўйлаб кўрилади, ундан кейин ўйлаб қўйилган постановка режасига монанд модел танлаб олинади.

Аввламбор танланган мавзу асосида композицияга мос инсон қиёфасини яратиш учун натура танланади ва шу натурадан эскизлар олинади.

Маиший мавзулардаги композиция, (ҳаётий воқеликлар, ҳиссиётлар олами, спорт, байрамлар ва хоказо) лардан иборат бўлади.

Бир фигурали маиший композиция бўйича изланишлари олиб бориш танланган мавзу бўйича кўплаб вариантларда қораламалар қилиш.

Композиция асослари ритм, нюанс, контраст, пропорция, масштаб каби қонунларини ўрганиш ва ижод давомида унга доимо амал қилиш зарурлиги талаба онгига сингдирилади.¹⁷

Танланган мавзу бўйича кўплаб вариантларда қораламалар қилинади ва талабаларнинг танланган мавзусидаги асосий қаҳрамонлар образи устида ишланади.

Бўлажак асарнинг умумий колорити, асардаги одатлар ёки бошқа предметларнинг



¹⁷Virgil Elliott Traditional Oil Painting

жойлашиши, ўзаро боғлиқлиги ва пластик ҳолати устида ишланади.

Бу вазифага иложи борича танасининг пластик ҳолати гўзал, ўлчамлари пропорционал инсон танланади. Ўкув топширигини асосий талаби постановка ҳолати ва муҳит мувофиқлигини тўғри топишдан иборатdir.

Постановка чукур, мураккаб макон тузилмаси, гурухли йўналтирилган ёруғнинг модел рангини, шакли, феъл-автори, маъносини тўлақонли очиб беришга хизмат қилиши лозим. Интерьерда гавдаларни ўзаро мувофиқлаштириш зарур, негаки постановка моделдан ўзаро мос бирликдаги ҳаракатларда портрет хусусиятларини очиб бериш вазифасини ўз ичига олади. Талабанинг диққати инсонни чукур ўрганишга, образларни ифодалилигига йўналтирилган бўлиши керак.¹⁸

Инсоннинг ўзига хос, индувидуал қиёфаси, ифодали хислатлари, бошқалардан фарқланувчи жиҳатлари, ўлчамлар нисбати, ҳарактерли жиҳатлари, руҳий ҳолати хусусиятлари ва албатта қўз ифодаси, қовоқлари ва лаблар ҳолати бадиийлик даражасида эмоционал тасвирлаш тажрибасини шакллантиради. Либосли эркак қомати мақсади образлар ечими ва композицион рангтасвир мақсадларини ўз ичига олади. Шу билан бир қаторда ўзаро мазмун ва пластик боғлиқлигини бадиий ифодалаш, фазовийлигини кўрсатади.

Вазифа ўзига хос мураккабликда бўлиб талабани қайсиdir маънода ижодкорликка ундаши керак. Талабани ижодий процессга йўналтириш борасида, ушбу буғубор ёшлик мавзусидаги композицияда пластик (мураккаб) вазифалар етакчи рольни ўйнайди. Зеро тасвирий санъатнинг ўзаги бу пластика ҳисобланади.

¹⁸ Даниэль Burleigh Parkhurst Художник (Раскраска) В (В течение; Через) Нефти (Масло).



4.2. Бир неча вариантда эскизлар устида ишлаш Композиция марказини күрсатиши

Талаба берилган мавзу буйича бир неча вариантда эскизлар устида ишлашни бошлайди: Масалан, талаба қувноқ бир сұырат яратмоқчи бўлди дейлик. Аммо унда маълум бир ғояни ифодалаши лозим бўлади, лекин талаба композитцияни ифодасиз, шаклларни тушунарсиз тарзда ҳал қилди. Ундан ташқари, айрим персонажларни шунчалик ноаниқ, пала-партиш чиздики, натижада сұырат қаҳрамонлари тушунарсиз, хунук бўлиб чиқди. Бу холат асардаги бўёқларнинг ёқимли гаммаси ўринсиз бўлиб қолишига, ўзаро ранг масалаларига ҳам ёмон таъсир кўрсатиши натижасида номуносибликда асар талаба ўйлаганининг акси бўлиб чиқади. Демак, асар шакли қанчалик пишшиқ, мукаммал бўлса, бадиий асар одамларга шунчалик кучлироқ таъсир этади. Хуллас асардаги шаклларни тўғри танлаш методи нотўғри холатларга эмас, аксинча маҳоратини ўстиришга, санъат асарининг ғоявий ва бадиий даражасини тинмай оширишга ёрдам бериши назарда тутилади.

Талаба ишлаётган асарда ритм масалалари ҳам етарлича ҳал қилиниши лозим бўлади. Унда асар қаҳрамонларининг турли эскизлари асосий қарама қаршиликларни келтириб чиқарувчи эгри ва тўғри чизиклар ҳал қилинади.

Шунингдек ритм масаласини ҳал қилиш учун пропорция ва ҳаракатни аниклаш, деталларни катта қисмлар билан боғлаш, тасвирда тус, ранг бирлиги (яхлитлиги)ни умумлаштириш ва пластик ечимини топиш ишлари ҳам олиб борилади. Асар мазмунини очиб бериш учун майший жанр масаласи ҳам юқори қўйилади. Шунингдек асарнинг марказий қисмлари ритмларга бой тарзда тасвирланали лозим ҳисобланади.

Бир неча вариантда эскиз ва этюдлар устида ишлашжараёнида асарда ранг ва колорит масалалари ҳам етарлича ҳал қилинади. Бунга сабаб агар талаба натурада ранг ва ранг – тус муносабатларини кўра олса, хали у яхши асар яратади деган гап эмас. У маҳорат билан айрим ашёларнинг ёруғ тузидан нусха олиши, уларнинг хажмини ҳам бериши мумкин, аммо маконнинг моддийлиги ёритилиш холатини бера олмайди. Ишлаш жараёнида бу холатларга катта эътибор қаратилади. Бунинг биринчи хусусияти шундаки ушбу асарни яратишда унинг хажмий, маконий ва моддий сифатлари, табиатнинг рангин муносабатларини нигохий образларга мутаносиб ўтказиб, ранглар ўйинидан иборат бўлишига катта эътибор қаратилади. Матога берилаётган ранг муносабатларини моҳияти нигоҳ билан қабул қилинаётган муносабатлардан келиб чиқади. Лекин асарнинг муносабатларини тузилиши ёритилганликнинг умумий тус вариант холати ҳисобга олиган холда амалга оширилади.

Иккинчи хусусияти шундаки, асардаги барча деталлар, ашёлар ранг муносабатларини яхлит идрок этишни уйғунлаштириш билан белгиланади. Бирон бир нарсанинг ранг муносабатларини яхлит кўрмасдан туриб, унинг тасвирини мукаммал таризда еча олмайди. Айнан шу икки хусусиятларга эришиш натижасида тасвирнинг тўлақонли, таъсирчан ранглар муносабатларини яратишга ҳаракат қилинади.

Бир неча вариантда эскиз ва этюдлар устида ишлаш жараёнида рангларни танлаб олиш учун шахсий кузатувлар ва фикрлар таҳлил қилиниб, унда охирги якуний қарорга келинади. Шунга кўра аваллари мавжуд бўлган нур ва соя ўйинларидан воз кечилади. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор.

Чунки тасвирланаётган ҳар бир шаклда нур ва соя ўйини бор. Лекин ана шу нур ва соя ҳеч қачон буюмнинг асл ҳолатидаги рангини ифодаламайди. Ҳақиқий рангни фақат яримсояда кўришимиз мумкин бўлади. Шу сабабли эскиз ва этюдларни тасвирлаш жараёнида шаклга тушаётган нур ёки соялардан воз кечилади, фақат яримсоя яхлит ранглар билан тасвирланади. Бундай тасвирлаш эскиз ва этюдларни ўзгача услублаштирилган холда ранглар билан ишлаш, унинг декоратив рангтасвир услубига айлантириш, ранглар билан эркин ишлай олиш имкониятларни беради. Бундай тасвирий ечимда рангларнинг ўзаро алоқаси, уларда жонли нигоҳ тасаввуридан йирок бўлган тасвир хосил бўлади. Асадаги барча бўёқлар бир – бирига нисбатан олинади. Асадаги ранглар атроф мухит билан солиштириш асосида топиллади ва улар пропорционал муносабатларда тасвирланади.

Композиция мукаммалигининг биринчи белгиси-картина мазмуни бир қарашда узоқ масофадан ўқилиши керак. Аксинча эса, энг муҳими композиция безаги – композиция томошабинга тушунарли бўлиши асоси топилмаганлигидадир.¹⁹

Эскиз – бу картина лойиҳаси, картина устида ишлашнинг биринчи босқичи. Эскизда холст формати, тасвир ўлчамлари, кўриш нуқтаси, горизонт чизик баландлиги аниқланади. Эскиз вариантларида ифодали, аниқ ечим, буюм ва объектларни ҳаққоний жойлаштириш, қиёфаларни гурухлаштириш, ғоявий марказни аниқлаш амалга оширилади. Композицияда ортиқча шакл, қиёфа бўлмаслиги керак. Ҳар бир қиёфа умумий ғояда ўз вазифасини белгилаши ва ҳамма ҳолатлар мавзуни очиб беришга ёрдам бериши керак.

Эскизни рангда ишлов беришда картина томошабинга яхши таъсир қилиши учун мавзу, ғояга асосан колорит яратиш керак. Картина колорити тасвирланаётган ҳолатнинг тусига ва рангига, кун вақтига, об-ҳаво шароитига мос келиши керак. Эскиз ранг қурилиши шундай ташкил

¹⁹Stacey Goerge Artists Living With Art

қилиниши керакки, у ёритиши ҳолатини, композиция марказини аниқлашга хизмат қилиб картина таъсир кучини тўлдирсин.²⁰

Айнан воқелик содир бўлаётган жойдан наброска, зарисовка ва этюдлар қиласди. Ушбу ечилган материаллар орқали талаба ўз мавзуси бўйича биринчи эскизлар қиласди. Қилинган асарлардан маъқули домла томонидан тасдиқланади ва тасдиқланган эскиз бўйича талаба яна изланишлар олиб борилади. Эскиздаги хажмларни келтириб чиқади, асар колоритини хал қиласди. Шу тариқа яна бир нечта эскизлар бўлади. Эскизлардан енг мукаммали танланади.

4.3. Композиция марказини кўрсатиш

Картинада ҳамма нарса асосий фикрга ва ғояга қаратилиши керак. Композиция яхлитлигига иккинчи даражали нарсалар биринчи даражали нарсаларга боғлиқ бўлиб, бутун тасвири ягона мақсадга кўзга ташланмаслиги лозим. Асосий қисм ажратилиб тасвирланади. Агар картинаиди нарсалар бир хил аҳамиятли бўлиб пала- partiш тартибда жойлаштирилса, композиция ўз ифодалилигини, аҳамиятини йўқотади.

Асосий натура тасвирини картинада яхшироқ жойда диққат билан тасвирлаши муҳим.

Асосий ҳаракат, воқеа картина текислигининг марказига яқинроқ жойлаштирилади. Бу томошабинга картинани кўришда унинг маъносини узоқдан тўла қамраб олишга имкон беради. Композицияда бир неча бир хил аҳамиятга эга марказ композиция яхлитлигини ва бирлигини бузади. У томошабин идрок қилишига имкон бермайди.

Композиция марказини ажратиб кўрсатишда картинани табиий идрок қилишда нур-соя, қиёфалар катталиги, ранглар нисбати ва қиёфалар оралиғи масофаси орқали амалга оширилади. Рассом картина таъсирини мухим қисмини ранг билан, тус билан ва деталларга ишлов бериш йўли билан амалга ошириш мумкин.²¹

²⁰Charles Bouleau The painter's secret Geometry A study of Composition in art

²¹ Charles Bouleau The painter's secret Geometry A study of Composition in art

Талаба композиция устида ишлар экан борлиқни ранг орқали тасаввур қиласы, күради. Қандайдир буюм, шакларнинг ранги доимий хотира да сақланиб қолади. Яньни күккатлар яшил, осмон күк ранг, қор оқ олов қизил, каби ранглар. Буюмлар ранги шароитга, ёруғлик кучига, ёритилиш рангига ҳам боғлиқдир. Буюм ўзи турган мухитда атрофга ўз таъсирини ўтказиб туриши ёки унинг атрофидаги рангли буюм унга ўз таъсирини ўтказиши мумкин. Ҳар доим буюмлар бир бирига таъсир қилиши мумкин. Буғубор ёшлик асарида ҳам рангларнинг бир бирига мутаносиблигини, шу билан бирга ҳар бир кўринишдаги вазиятда контраст ранглар пайдо бўлганлигини кўрамиз. Асарда контраст ранглар ёнма ён жойлашган ранг кучини янада оширган. Булар қизил, яшил, сариқ күк, ранг ва бошқалардир. Буюм ранги кузатувчидан узоқ яқинлигига ҳам боғлиқ (ҳавоий перспектива). Оқ ранг узоқлашса хиралашади (кораяди) қора, кўк ранг оқариб (кулранг тус) кўриниши мумкин. Шу сабабли асар яратилиш жараёнида шу каби масалаларга жиддий эътибор берилади.

Жумладан, асарда инсон образи қахрамонлари, қолган маскалар, деворда осилган эскизларнинг ранги, тузи, равшанлигини ва уйғунлигига қараб ҳар хил ўзгаришларни кўриш мумкин. Бу ўзгариш ҳам шартлидир. Ҳамма ҳам бу ўзгаришларни сезмайдилар. Аксинча буюмнинг бўёқ рангини кўрадилар. Шу сабабли ранг масалалари тушунарли бўлиши, асарнинг осон ва безакдор бўлиши учун буюм ва ҳар бир нарсанинг яримсоядаги хақиқий ранги олинади. Бу холат асарнинг рангларининг хаққоний тасвирилаш имконини беради. Малакали рассом табиатдаги ранглар ёруғлик нурида ўзгаришини яхши сезиши мумкин. Баъзи картиналарга қарасак ой ёруғида акс эттирилган манзарадаги ранглар оч яшил кўклигини, кечки қуёш нурида ва сунъий ёруғликдаги манзаралар эса сариқ зарғалдоқ ёки қизғиши колоритдалигини кўрамиз. Булар хаммаси рассом томонидан табиатда ранглар ўзгаришини объектив акс эттиришидир. Рангтасвирида ранг колоритини яратиш ҳам катта ахамиятга эга. Буюм шакли хажмини, материалини, фазода жойланишини, юзасини ёруғлик ва соя орқали, унинг

бир биридан фарқланувчи туси ва уларнингранги, рангларининг бир биридан фарқ қилиниши туфайли идрок қиласиз.

Рангтасвирда буюмни рангда шакл беришда, унинг табиат мухитдаги ранглар муносабатида акс эттириш катта ахамиятга эга. Томошабин идрок қилиши, умуман рангларнинг бир бирига муносабатига таянади.

Умумий қилиб айтганда ушбу асарни ишлаш жараёнида ёруғлик кучи кўрсатиб ўтилди. Шу билан бирга рангни туйғинлик нисбати, ранг кучи нисбати, ранг туси ва тури тўғрилиги қабилар таъминлайди.



Назорат учун саволлар

1. Асар композицияси қай тарзда қурилади?
2. Асар композитциясида образнинг маркази нимага бўйсиндирилади?
3. Бегубор ёшлик мавзусидаги ишнинг дастлабки бошланиши нимадан бошланади?
4. Композиция марказини кўрсатиш қандай амалга оширилиши лозим?

5. Рассом картинанинг муҳим қисмини қандай йўли билан амалга оширади?
6. Ҳар доим ҳам буюмлар бир бирига таъсир қилиши мумкинми?
7. Рангтасвирда ранг колоритини яратиш ҳам катта аҳамиятга эгами, у қандай амалга ошилади?
8. Қандай буюм, шаклларнинг ранги доимий хотирада сақланиб қолади?

V. БОБ. ИНСОНЛАРНИНГ ҲИССИЙ КЕЧИРМАЛАРИ (ЭМОЦИОНАЛ ҲИССИЁТНИ ЁРИТИБ БЕРИШ – РУХИЙ ВА ЖИСМОНИЙ ОҒРИҚ, ЗАВҚ – ШАВҚ)

5.1. Мавзу танлаш

Картинада ҳамма нарса асосий фикрга ва ғояга қаратилиши керак. Композиция яхлитлигига иккинчи даражали нарсалар биринчи даражали нарсаларга боғлиқ бўлиб, бутун тасвирини ягона мақсадга кўзга ташланмаслиги лозим. Асосий қисм ажратилиб тасвирланади. Агар картинаси нарсалар бир хил аҳамиятли бўлиб пала-партиш тартибда жойлаштирилса, композиция ўз ифодалилигини, аҳамиятини йўқотади.

Асосий натура тасвирини картинада яхшироқ жойда диққат билан тасвирлаш муҳим.

Асосий ҳаракат, воқеа картина текислигининг марказига яқинроқ жойлаштирилади. Бу томошабинга картинани кўришда унинг маъносини узокдан тўла қамраб олишга имкон беради. Композицияда бир неча бир хил аҳамиятга эга марказ композиция яхлитлигини ва бирлигини бузади. У томошабин идрок қилишига имкон бермайди.²²

Композиция марказини ажратиб кўрсатишда картина табиий идрок қилишда нур-соя, қиёфалар катталиги, ранглар нисбати ва қиёфалар оралиғи

²²Charles Bouleau The painter's secret Geometry A study of Composition in art


масофаси орқали амалга оширилади. Рассом картинанинг мухим қисмини ранг билан, тус билан ва деталларга ишлов бериш йўли билан амалга ошириш мумкин.

5.2. Бир неча вариантда эскизлар устида ишлаш

Рангли тасвирини саводли ифода этиш учун натурани қўйилмада нафақат тусли, балки буюмларнинг рангли фарқларини кузатиш вақтида қандай қабул қилинса, тасвирилаш жараёнида ҳам шунга эришиш лозим.

Рангли муносабатларнинг ҳолати буюмлар билан атроф-муҳитнинг бир-бирига боғлиқлигини акс эттиради, шунинг учун тасвирланаётган буюмларнинг тусли ва рангли муносабатларининг бирлиги, маромига етган, колоритли ечимга келишга имкон яратади.

Иш жараёнида шуни доимо ёдда тутиш кераки, хар бир ранг ёруғликда, сояда, ярим сояда фақат ўзи эмас, балки бошқа рангларга боғлиқлиги билан мухимдир. Мухими, унинг умумий ранглар қаторида иштирок этиб, бошқалардан ажралиб туришдир. Рассомни фақат ранглар фарқи ва муносабатлар қизиқтириши зарур. Шунинг учун рангтасвир жараёни – бу натурали қўйилмадаги буюмларнинг доимий солишириув, таққослаш, яъни муносабатлар билан ишлаш жараёни хисобланади.²³



²³Charles Bouleau The painter's secret Geometry A study of Composition in art

Ранлар муносабати усулидаги рангтасвир жараёнини мусиқа охангларига қиёслаш мумкин, яъни алоҳида товушлар ўз ўзидан хеч нарсани акс эттирмайди, аммо бошқа оханглар билан мужассамлашганда зарур таассуротни беради. Товушларнинг бир-бирига боғлиқлиги бузилса, оханг мавжудлиги йўқолади. Худди шу холатни рангтасвирда ҳам таққослаш мумкин. Тусли ва рангли муносабатларни кучли ёки кучсиз ёруғлик ва тўйинган ранлар йифиндисида қуриш мумкин, лекин шу билан бирга жисмларни тусли ва ранг кучининг натурадан образли кўринишда мос равища бир бирига боғлиқлигини сақлаб қолиш мухимdir.

Рангли тасвирини саводли ифода этиш учун натурани қўйилмада нафақат тусли, балки буюмларнинг рангли фарқларини кузатиш вақтида қандай қабул қилинса, тасвираш жараёнида ҳам шунга эришиш лозим.

Рангли муносабатларнинг ҳолати буюмлар билан атроф-муҳитнинг бир-бирига боғлиқлигини акс эттиради, шунинг учунтасвирланаётган буюмларнинг тусли ва рангли муносабатларининг бирлиги, маромига етган, колоритли ечимга келишга имкон яратади.

Мойбўёқ техникасида ёруғ-соя қуришнинг икки усули билан мувофиқликда ёрқинликнинг биринчи босқичини бериш учун умумий ва қисман ранг тайёргарлиги усуллари мавжуд.

Умумий ранг тайёргарлиги ёруғлик муҳитида устунлик қилувчи ва кўринаётган табиатни унинг маълум ва характерли тусли ҳамда ёруғ-сояси билан умумий колоритни берувчи дастлабки манбанинг тўғри ёруғлигини бериш зарурияти туфайли юзага келади. Қисман ранг тайёргарлиги предметларнинг кейин соялар ва узоқ планлардаги шартли рангларнинг умумий колорити билан боғланувчи хусусий рангининг хусусияти ва хилмачиллиги кучли намоён бўлганда тарқоқ ёруғликда юзага келади.

Умумий тайёргарликнинг танланган ранги табиатда ёритишнинг маълум ва характерли ҳолатини тасвирашга асосланиши керак. Натурадан ишлашда умумий тайёргарлик ранги бевосита идрок қилинган колорит

кирраларини ўзида мужассам қилиши керак; тасаввурга кўра ишда у колорит билан, ғоянинг берилган образли моҳияти билан белгиланиши керак.²⁴

5.3. Композициянинг ранг ечимини топиш ва марказини кўрсатиш

Буюм шакли ҳажмини, материалини, фазода жойланишини, юзасини ёруғлик ва соя орқалн, унинг бир -биридан фарқланувчи туси ва уларнинг ранги, рангларининг бир -биридан фарқ қилиниши туфайли идрок қиласиз. Композицияда шакл беришда, унинг табиат муҳитдаги ранглар муносабатида акс эттириш катта аҳамиятга эга. Томошабин идрок қилиши, умуман рангларнинг бир-бирига муносабатига таянади. Рангтасвир ишлашда ёруғлик кучи нисбатидан ташқари, рангнинг ёрқинлик кучи ва ранглар мутаносиблигини кўрсата билиш керак. Шу билан бирга рангни тўйғинлик нисбати, ранг кучи нисбати, ранг туси ва тури тўғрилигидан муҳимроқдир. Битта буюмлар тўплами (постановка) ни ишлаётган кўп рассомлар тасвирий ишида совук ранглар ёки иссиқ ранглар жилосида, шунингдек ёруғрок, колоритда ва қорамтири колоритда бўлиши мумкин. Бир гурух буюмлар тасвири бир неча рассомлар ишида ранглар ёрқинлиги, ранг ва ранг тўйғинлиги ҳар хил кўринишда акс эттирилган ҳам бўлиши мумкин. Аммо ҳамма тасвирий ишда буюмлар ранги ва ёрқинлик кучи тўғри берилиши, ҳаққоний тасвирланиши лозим бўлади. Қандай бўёқлар ранг жилосини олмайлик, у равшанроқми ёки тўқроқ (тўйинган)ми ранглар фарқидаги уч хусусият ёрқинлик, ранг, тўйғунликка амал қилиш шартдир. Акс ҳолда нафис тасвирий санъат ҳаққоний таассурот қолдирмайди.

Буюм рангининг тўйғинлиги, туси ва ҳар хил ёрқинлиги орасидаги ўзаро боқлиқлиги шу буюмнинг ранглар нисбати дейилади. Нафис тасвирий санъатда ёруғ -соя нисбатини акс эттириш, ранг нисбатини акс эттиришдан асло ажратилмайди. Улар биргаликда ҳал этилади. Унинг учун буюм шаклини композицияда ранг тусини тўғри бериш рангни уч асосий

²⁴ Virgil Elliott “Traditional oil painting” USA 2007. 53-54p.

хусусиятига боғлиқ. Реалистик нафис тасвирий санъатда ранг ва ёруғ-соя воситалари буюм шаклини тасвирлашда ранг нисбати, ранг тузи асосий рол ўйнайди. қачонки буюм шаклининг ёруғлик ва ранг кучи тўғри топилса буюм шакли бунёд қилинади.

Рангтасвирчи рассомнинг маҳорати буюм шакли рангини тўғридан - тўғри кўчиришда эмас, балки ранг танлашда улар нисбатини тўғри топа билишдадир. Буюмни рангда тасвирлашда унинг колоритини ва рангини тўғри танлаб олиш тасвирлашнинг муҳим шартидир. Композицияни маъноли талқин қилиш учун атрофни кузатиш чоғида факат тусли эмас, балки рангли фарқларини ҳам қандай идрок этилаётган бўлса, шунда тасвирланиши зарур. Ранг муносабатлари ҳолати буюм - шакл ва муҳитнинг ўзаро алоқасини акс эттиради, шунинг учун тасвирда берилаётган тус ва ранг муносабатларини яхлитлиги тўлақонли ранг нисбатлари ва калоритини тўғри топишга имкон беради. Натуранинг ранг муносабатларини тўғри бериш учун биринчидан, ранг хилини, жиҳатини (кўк, сарик, яшил ва ҳ.к), иккинчидан, бу рангларнинг ёрқинлиги (туси) бўйича муносабаталарини (фарқини), учинчидан, шаклнинг (ва унинг юзасининг) бошқаларга нисбатан рангга тўйингланлигини белгилаш лозим. Иш жараёнида ҳар бир рангнинг ёруғлиги, тузи, нимтузи ва бошқалар унинг ўзига эмас, балки бошқаларга боғлиқ эканлигини ёдда тутиш зарур. Рассомни факат ранг фарқи, ранг муносабатлари (нисбатлари) қизиқтириши керак.

Ранг тузи ва ранг кучи бўйича нотўғри танланган ранг муносабатлари маконий тасвирда чалкашликка олиб келади. Бу айниқса тасвирланаётган нарсанинг моддий хусусиятларини тасвирлашга салбий таъсир қиласи. Ранг муносабатлари усули билан асар яратиш жараёнини мусиқа оҳангини тузилиши билан таққослаш мумкин. Унда ҳам ягона товуш кўп нарсанни ифодалай олмайди, аммо бошқа товушлар билан уйғунлашиб тегишли мусиқа оҳангини ҳосил қиласи. Товушларнинг ўзаро алоқаси бузилса, мусиқа ҳам бузилади. Рангтасвир ҳақида ҳам худди шуни айтиш мумкин. Ранг ва тус муносабатларини табиатда қандай бўлса, шундай тарзда бериш шарт эмас.

Аммо энг ёруғдан, энг қоронғу ранглар жилоси сари нисбий муносабатга амал қилиш зарур. Акс ҳолда рангтасвир яхлит тасаввур уйғотмайды.

Ранг билан ишлаш бүйича рассом қобилияти. Агар талаба композицияда ранг ва ранг-тус муносабатларини кўра олса, ҳали у яхши асар яратади деган гап эмас. У маҳорат билан айрим ашёларнинг ёруғ-тусидан нусха олиши, уларнинг ҳажмини ҳам бериши мумкин, аммо маконнинг моддийлиги, ёритилиш ҳолатини бера олмайди. Реалистик рангтасвир маҳоратини эгаллаш учун унинг икки асосий хусусияти моҳиятини тушуниб олиш зарур. Шундагина ёш рассом ихтисосликни яхши эгаллайди ва унинг ҳар иши такомилга эришиб бораверади. Этюддаги берилаётган ранг муносабатларини моҳияти нигоҳ билан қабул қилинаётган муносабатлар моҳиятидан келиб чиқади. Зеро этюднинг ранг муносабатларини тузилиши, ёритилганликнинг умумий тус ва ранг ҳолатини ҳисобга олиб амалга оширилади. Муносабатлар билан ишлаш методи рангтасвир таълимдининг асосий қонуни ҳисобланади. Иккинчи хусусияти шундаки, натура ашёлари ранг муносабатлари уларни яхлит идрок этишни чоғиштириш билан белгиланади. Натуранинг ранг муносабатларини яхлит кўришга эришмай, унинг тасвири тўла равишда бўлмайди. Айнан шу икки хусусиятларга эришиш натижасида тасвирнинг тўлақонли, таъсирчан ранглар муносабатини яратиш мумкин. Таълимнинг дастлабки пайтиданоқ муносабатлар методи билан ишлаш зарур. Ҳар бир рангни айнан ва бошқалардан ажратиб нусҳалаш мумкин эмас. Бундай нусҳа кўчиришда рангларнинг ўзаро алоқаси, уларнинг фарқини билиб бўлмайди. Бундай нусҳа олиш натижасида жонли нигоҳ тасаввуридан йироқ бўлган тасвир ҳосил бўлади. Этюддаги барча бўёқлар бир - бирига нисбатан олинади. Рангтасвирдаги ранглар атроф - муҳит билан солишириш асосида топилади ва улар пропорционал муносабатларда тасвирланиши мумкин.

Композицияда муҳим қаҳрамонни ажратиб тасвирлашда уни марказда жойлаштиришдан ташқари бўёқ қўйиш усули билан ҳам амалга ошириш


мумкин. Иккинчи даражали қиёфалар ёки иккинчи план шаклларини ишлашда умумлаштирилади.

Рассом борлиқни тасвирлар экан, табиатнинг ўзига хос муҳим томонларини, қизиқарли ҳолатларини белгилаши, унга нисбатан муносабатини билдириши зарур. Ҳақиқий текислигига буюмларни жойлаштиришда ҳамма тасвирланаётган қисмларини бир фикрга боғлайди.

Агар композиция воситалари асар ғояси билан боғлик бўлса тасвир бадиийлик жиҳатдан пухта бўлади. Сюжет, қаҳрамонларнинг психологик характеристикаси, колорит – ҳаммаси ўзаро боғлик бўлиши ғоявий фикрга хизмат қиласи. Ғоясиз ва моҳир композиция устаси бўлмай туриб пухта бадиий образ яратиб бўлмайди.

Юқорида келтирилган бир нечта элементлар, айниқса контрасти кучли бўлса эътиборимизни тортади, лекин кўзни олади. Рангтасвирда бу элементлар жуда фойдалидир.

Бу рассомнинг маҳорати хисобланади. Мисол учун дастлабки эътибор юзига қаратилганда, кўз маркази кўринади. Бу энг кучли холатлардан биридир.²⁵



²⁵Michael John Angel Pictorial Composition/ 2b

5.4. Деталлар устида ишлаш

Бир неча ўнлаб қораламалар ишланиб, талабалар ўзлари танлаган нуқтадан иш бошлашиб, постановкани чиройли, қонун – қоидалар асосида жойлаштириб, енгил чизиқлар ёрдамида қоматни қуришга киришишади. Қоматни конструкцияга асосланиб қуришни давом эттиришади. Яъни натуранинг характерли умумий кўринишининг конструкцияси, коматнинг кўзга кўринмайдиган орқа томонлари билан кўрсатиш вазифаси туради. Гавда қисмларининг схематик кўринишлари булар барчаси қоматни тўғри тасвирилаш асосини ташкил этади. Италия Уйгониши даврида узок сеансли ишланган, аниқ чегараланган рангтасвир ва тез ишланган қоралама тушунчаларини учратамиз. Бу чизма тасвириларнинг ҳар бир тури алоҳида мақсад ва вазифаларга эга. Зеро, Жорж Вазри шундай ёзади: “Перо, қалам ёки бошқа ашёларда енгил, тез чизилган, тасвириларни қоралама деб аташ мумкин”. Бундан сўнг биз, қоралама атамасини чизматасвирининг бирламчи тури, бошланғич босқичи, яъни қомат ҳолатининг жойлашиши асарнинг дастлабки композициясини топиш учун, (бўлгуси асарни) дастлабки кўринишини фарқлашга хизмат қиласди деб биламиз. Рассом илҳомидан қисқа вақт мобайнида перо, ёки бошқа чизиш ашёларида бажарилган ва ўз (рассом) фикри, тафаккури тўғрилигини таққослаш, текшириш мақсадида чизилган тақдирда – у қоралама деб аталади”.²⁶




²⁶Варнеке Б.В. Плиний об искусстве. Одесса. 1918. С.51.

Картинада ҳамма нарса асосий фикрга ва ғояга қаратилиши керак. Композиция яхлитлигига иккинчи даражали нарсалар биринчи даражали нарсаларга боғлиқ бўлиб, бутун тасвирни ягона мақсадга кўзга ташланмаслиги лозим. Асосий қисм ажратилиб тасвирланади. Агар картинади нарсалар бир хил аҳамиятли бўлиб пала-партиш тартибда жойлаштирилса, композиция ўз ифодалилигини, аҳамиятини йўқотади.

Асосий натура тасвирини картинада яхшироқ жойда диққат билан тасвирлаш муҳим.

Асосий ҳаракат, воқеа картина текислигининг марказига яқинроқ жойлаштирилади. Бу томошабинга картинани кўришда унинг маъносини узоқдан тўла қамраб олишга имкон беради. Композицияда бир неча бир хил аҳамиятга эга марказ композиция яхлитлигини ва бирлигини бузади. У томошабин идрок қилишига имкон бермайди.

Композиция марказини ажратиб кўрсатишда картинани табиий идрок қилишда нур-соя, қиёфалар катталиги, ранглар нисбати ва қиёфалар оралиғи масофаси орқали амалга оширилади. Рассом картинанинг муҳим қисмини ранг билан, тус билан ва деталларга ишлов бериш йўли билан амалга ошириш мумкин.





Назорат учун саволлар

1. Инсонларнинг ҳиссий кечирмаларининг психологик ҳолати қандай амалга оширилади?
2. Рассом картинанинг муҳим қисмини қандай йўл билан амалга оширади?
3. Ранг муносабатлари ҳолати буюм - шакл ва муҳитнинг ўзаро алоқасини топинг?
4. Натуранинг ранг муносабатларини яхлит қўришга эришмай, унинг тасвири тўла равишда амалга ошадими?
5. Гавда қисмларининг схематик қўринишларини амалга ошириш этапларини санаб беринг?
6. Композицияда картинанинг асосий қаҳрамонини қайси планда кўрсатиш мумкин бўлади?
7. Композицияда муҳим қаҳрамонни ажратиб тасвирлаш қандай амалга оширилади?
8. Композицияни яратиша деталлар устида ишлаш жараёнида нималарга эътибор қаратиш лозим бўлади?

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни такидлашимиз жоизки рассом композиция яратар экан ушбу асари билан томошабинларга қандайдир маънавий озук беришни уйлаши лозим бўлади. Шунинг учун рассомнинг ахбороти томошабиннинг нафакат онгиға, балки юксак онгиға ҳам йўлланади, аслини олганда томошабин аниқ (конкрем) асарни томоша қилганда инсоннинг олий руҳий фаолиятига хос у ёки натижани айнан нима туғдирганини айтиб бера олмайди. Санъат асарини бадиий хис этиш жараёнида улар жуда муҳимдир. Рассом ўзи билмаган холда юқорида айтиб ўтилган ифодавий, бадиий ва композицион қонун, восита, усул ва турлардан фойдаланади, томошабинда қандайдир ҳиссиётларни уйғотиш мақсадида.

Хис этиш жараёнида томошабинда диққатнинг маълум тури ёқилади, ўхшатмалар (ассоциациялар) уйғотилиб, хотира ишга тушади. Россия олимлари ишлаб чиқкан схемага кўра, диққат инсонда бехосдан пайдо бўлиши мумкин ёки аксинча унинг истаги билан ҳам юзага келиши мумкин. Бехосдан пайдо бўлган диққат – йўналтирувчи рефлексга асосланади. У инсон истаги билан юзага келган диққат – ахборотга бўлган қизиқиш орқали туғилади.

Диққат жараёни эътибор ва фикрни тўғри йўналтирганидан ташкил топган. Рассом ўз асарига бошқаларнинг диққатини жалб этиш учун асардаги композиция марказини хажм жиҳатдан кичикроқ тасвирлаши лозим. Чунки инсон кузи катта хажмдаги тасвирни илғаб олиши қийин кечади. Шунинг учун асардаги диққат марказини тортадиган жойларини рассом алоҳида ва аниқ тасвирлашга ҳаракат қиласи, яъни шундай контраст жараёнларни ишлатадики, қайси инсон томоша қилиб, кузи толиқмаслиги керак. Масалан, маънавий контраст–бу тасвирдаги қарама – қаршилик, яъни кария ва гудакни айтиш мумкин. Композиция мазмуни хар хил бўлган бир нечта қисмдан иборат. Асосий фикр – ғоя томошабинга композицияни бир лахзада хис этиш орқали етказилади. Аммо асарнинг чуқур мазмуни синчковлик билан томоша қилиш, асарни ўрганиш мумкин. Бунда композициянинг хар битта қисми буюмнинг янги мазмунидан боҳабар этиб боради.

Тасвирларни саҳналаштириш ва формализациялаш (шакл баҳш этиш) рассомнинг вазифасини нафақат соддалаштириб, осонлаштиради, балки инсонда хис этиш қобилиятини ўткирлаштиради.


Композиция ечимида фон ва фигура ўртасидаги муносабатлар катта аҳамиятга эга. Шу боисдан композиция фанини чуқур англаш ва унинг туб моҳиятини тушиниб этиш муҳим масала ҳисобланади.

Иллюстрациялар

Манзара жардаги композицион картиналардан намуналар




Иссыккүл оқшиоми. 1951. Вечер на Иссык-Куле.



Сенеж. Оқшиом. 1966. Сенеж. Вечер.




Ўзбекистонда марта. 1958. Март в Узбекистане.



Сирдарё. 1963. Сыр-Дарья.




Тоғдаги хұжалик. 1949. Горный колхоз.




Тоғлар бағрида пичан ўрими. 1954. Высокогорный сенокос.


Бир неча вариандада эскизлар устида ишлаш








Композициянинг ранг ечимини топиш







Композиция асoslари амалий ечими (этюд ва қораламалар ҳомаки тасвир эскизини оқ қора ечими)





ГЛОССАРИЙ

№	Инглиз	Рус	Ўзбек	<u>Маъноси</u>
1	Abstractionism	Абстракционизм	Абстракционизм	XX асрда мавжуд бўлган санъат йўналиши, хайкалтарошлик ва графикада ҳақиқий жисмлар тасвиридан вос кечган санъат тури.
2	Self Portrait	Автопортрет	Автопортрет	(грек – ўзим) муаллиф сўз тасвирини ишлайдиган санъат асари. Бу жараёнда асар муаллиф ва ишланадиган модел бир обектда гавдаланади.
3	Academicism	Академизм	Академизм	Классик санъат турнинг қоидаларига амал қилиш. Қисмлари: қадимий афсона, Инжил, қадимги тарих. Турлари : неокласситсизм
4	Alla prima	Алла прима	Алла прима	(лот-биринчи уринишдан) тасвирий санъатдаги рассомлик усули, мохияти шундаки, ишланадиган тасвир ҳеч бир ёрдамчи чизмаларсиз ишланади.
5	Animalism	Анимализм	Анимализм	(лот-жонивор, хайвонот) тасвирий санъатда ҳайвонлар, жониворларни ишлаш.
6	Fullface	Анфас	Анфас	Кар. Фас
7	Biennale	Биеннале	Биеннале	икки йилда бир маротаба ўтказиладиган маданий - оммавий санъат фестивали.
8	Cardboard	Картон	Картон	(фран. картон, итал. картоне, карта – қофоз). 1. Қалин, қаттиқ ва жуда пишиқ қофоз, оддий қофоздан қалин. Қофозга туширилган расм, эскиз, кейин у ўзакка туширилади (мато, девор, ёғоч ёки метал текислик).
9	Paint	Бўёқ	краска	ранг бўяш воситалари таркибининг умуний номи, майший соҳада фойдаланишга мўлжалланган, предметларга суртилганда ёки бўктирилганда у ёки бу рангни беради. Кимёвий таркибига кўра пигментлар ва улардан тайёрланган бўёқлар минерал (ноарганик тузлар ёки метал оксидлари) ва органик (ўсимлик ва ҳайвонларнинг бирлашиши).
10	Short avant-garde	Қисқа авангардизм	Ниски авангардизм	XX аср бадиий йўналиши, унинг ўзига хос хусусиятлари анъаналар, тимсолларнинг янги восита ва шаклларини излашdir. Турлари: фовизм, кубизм, футуризм, экспрессионизм, дадаизм, сюрреализм, мавхум санъат ва

				бошқалар.
11	Woodcut	Ксилография	Ксилография	даражта ишланган ўйма нақш. Расм юзаси текис бўлган, бўёқ билан бўялган тахта юзасига туширилади. Расмлар орасидаги чукурлик ўймакор қаламча билан туширилади. Шакл 15000 гача босиб туширилган изни кўтара олади.
12	Cubism	Кубизм	Кубизм	XX аср 1 ярмининг замонавий йўналиши. Шаклланмаган, нур ва соясиз, истиқболсиз, текислик ҳажмига қўйилган комбинатсиясиз (куб, шар, силиндр, конус), қўпол шакллар. Бир бирини кесиб ўтувчи, силжитилган предмет ва шаклларни геометриялаш. Ранглар жилоси. Коллаж бўлиши мумкин.
13	Luck	Лак	Лак	(нем.ласк, фран. лакуер суртиш, қоплаш) 1. Турли эритгичларда суюқ ёки ярим суюқ холатгача бўлган елим эритмаси. Лакни суртиш қуриган расм юзасига юпқа қатлам билан, ҳимоя қатламини яратиш учун суртилади. Куриганидан сўнг лаклар ялтироқ қаттиқ парда билан қандайдир текисликни қоплайди, физик кимёвий таъсирларга қарши турга олади.
14	Glaze	Лессировка	Лессировка	(нем. Ласиерунг глазур, Ласиерен бўяш, Ласур кўк тош, фран. Гласер сирламок, глазур, ялтироқлик). Рассомлик санъати техникаси, корпусли рассомчилик юзасига ингичка, ярим тиник ранглар қатламини суртиш йўли билан чукур ранг турларини олиш учун кўлланилади.
15	Line	Чизик	линия	(лот. Linea – зигир ип). Тасвирий санъат ва рассомчилиқда ифодали тасвирий восита. Чизик, график ёки бўёқ воситалари билан тасвирий юзага чизиш орқали юзага келади. Чизик доим қалинлик, фарқлилик ва услугуга эга бўлади. Тасвирий санъатда чегара, бирор-бир юза ва ўраб турувчи муҳит контури хисобланади.
16	Pap	Томчи	Мазок	мўйқалам тортиб бўёқ бериш – асосга (мато, картон ва бошқалар) туширилган бўёқли мўйқалам изи. Мазок билан ишлаш техникаси турли ва у муаллифнинг шахсий ҳаракати, олдига қўйган вазифалари, у ишлаётган материал хусусиятларига боғлик.

17	Marina	Марина	Марина	(фран.марине, итал.марина, лот.маринус – денгизга оид) денгиз күринишлари ва кемалар тасвири. Манзараппинг мустақил тури сифатида марина ХВИИ асрда европа санъатида ташкил топган ва ўзининг ilk тараққиётини голландия рассомлари томонидан топган. Марина жанрида ишловчи рассомлар маринистлар деб номаланди.
18	Palette knife	Мастихин	Мастихин	(итал .местицино – куракчасимон асбоб) – пичоқ ёки куракча күринишидаги пўлат асбоб. Мастихин рассомлар томонидан палитарни тозалаш ёки расмдан қуримаган бўёқни қисман ўчириш учун қўлланилади. Шунингдек, мастихин мўйқалам ўрнига бўёқни текис қатлам билан ёки расмга рельеф мазкалари билан суртиш учун қўлланилади.
19	Motive	Фойа	Мотив	1) рассом томонидан тасвир учун танланган натура обекти, камдан-кам манзара. Мотив – боглиқлик, расм ёки этюднинг тасвир ёки ранг ҳолатини аниқлайди. 2) безак санъатида – кўп марота такрорланиши мумкин бўлган орнамент композитсиясининг асосий элементи.
20	Mulyaj	Думмий	Думмий	натура ёки бирон-бир ҳайкалтарошлиқ асаридан олинган аниқ нусха. Мум билан бўялган (елим – гипс ва бўр аралаштирилган масса) мева, сабзавот ва бошқа предмет муляжлари баъзида ёрдамчи кўриш воситалари сифатида қўлланилади.
21	Sketch	Хомаки режа	зарисовка	рассом томонидан тез бажарилган, катта бўлмаган ўлчамдаги рассомлик, графика ва ҳайкалтарошлиқ санъати асари.
22	Nature	модел	Натура	тасвирий санъатда рассом чизаётганда кузатадиган бутун борлик обектлари (предмет, одам, манзара). Натурани ва унинг таърифини танлашда рассом дунёни, ўз ижодий вазифасини сезади.
23	Still life	Натюрморт	Натюрморт	санъат жанри, инсонни ўраб турган мухитни тасвирлайди, қоидага кўра, композицион ташкил этилган (ўрнатилган). Жонсиз нарсалар, жонли табиат обектлари, буюмга қаратилган. Рамзий мазмунга ва ижтимоий ўхшашликка эга.

24	Image	Кийофа	Образ	санъатда бутун борлық ҳодисаларини тасвираш шакли, бутун борлыкни бадий тасвираш шакли. Тасвирий санъатда образ фикрнинг аниқ, яқол тасвири.
25	Pointillism	Пуантилизм	Пуантилизм	тасвирий санъат техникаси, неоимпрессионизмга ҳос ҳусусият. Майдада, баъзида нуқтали ёзув
26	Female	Розетка	Розетка	(фран.rosette, деярли – атиргул) – очилган гул (масалан, атиргул) тимсолидаги орнаментал безак.
27	List decorative	Декоратив безак	Декоративны орнамент	архитектура иншоотларида, декоратив безак санъатида тасвирий санъат воситалари ёрдамида яратиладиган орнаментал ва сюжет композитсиялари.
28	Romanticism	Романтизм	Романтизм	ижодий шахслигини англаш, ижод озодлигини X ва ўзига ҳослигини В тантанали суратда И билдиришда яқол намоён бўлдиИИ – ХIX аср охирида санъат йўналиши. Бу санъат турида келажакка ишонч ва умидсизлик, анъана ва янгилик яратувчанлик, завқ олиш ва аччиқ кулгу, трагедия ва комедия, баланд ва паст, орзу ва кўнгил қолиш каби ҳусусиятлар бирлашади. Илк марта ўзининг
29	Rococo	Рококо	Рококо	XVIIИ асрда Европа пластик санъати услуби. Нафис, назокатли, декоратив қийин.
30	Figure	Расм	рисунк	график воситалар – чизиқлар, штрих, доғлар ёрдамида қўлда чизилган тасвир. Уларнинг уйғунлиги пластик шакл, ранг ва нур уйғунлигини беради. Қоидасига кўра, битта рангда ёки чегараланган микдордаги ранглардан фойдаланилади. Технологияси: қуруқ ва суюқ бўёқ воситалари. Қуруклари: кўмир, графит қалам, сангина (қизил бўр). Суюқлари: туш, сепия, сиёҳ. Асоси: пергамент, қофоз.
31	Reflex	Рефлекс	Рефлекс	графикада камдам-кам, тасвирий санъатда: ўраб турган обектлардан бирор-бир предметга ранг ва нурнинг тушган акси. Бирбутун қисмларининг қийин ўзаро алоқаси
32	Restoration	Тиклаш	встонавить	ҳайкалтарошлиқ, тасвирий санъат вабошқа Млар). Махсус усууллар у ёрдамида, илмий с тадқиқотлар асосида амалга ошириладта камлашнинг барча турлари ва

				усуллари, шикастланган, бузилган маданият ёдгорликларининг тикланиши (архитектура,
33	Realism	Реализм	Реализм	санъатда: бутун борлиқнинг обектив тасвири. Кўпгина санъат йўналиши ва оқимларига ҳос бўлган ҳақиқатга мойилликнинг намоён бўлиши. Улар аниқ ёки ноаниқ намоён бўлади, ёки умуман мавжуд бўлмайди.
34	Retouch	Ретуш	Ретуш	(франс. Ретоуче –, тўғирлаб қўйиш) – тасвир хатоларини тўғирлаш.
35	Rhythm	Ритм	Ритм	тасвирдаги композитсион курилиш, ўз навбатид акетма кетлик ёки қайтарилиш қисмларини англатади. Ритм рассомлик образининг ифодавийлигини оширади, кучайтиради.
36	Sanguine	Сангина	Сангина	(франс. Сангуине, лот. Сангуинелис тўқ (қонли) қизил) – қизил ва жигар рангли қаламларнинг турли хил тоналари.
37	Light	Ёруғлик	цвет	тасвирий санъатда соя ёргуғ элементи. Натурада бўлгани каби, тасвирда ҳам бу атама энг ёргуғ қисмларини ко`рсатиб беришда қўлланилади.
38	Chiaroscuro	Соя ёргуғ	политен	нарсаларнинг шаклини ва ҳажмини тўғри бажаришда ёргуғ ва соя қонунлари муҳим аҳамиятга эга.
39	Silhouette	Қиёфа	обликъ	натурада қоматнинг ёки предметнинг умумий ко`риниши. Санъат асарларида: қомат деб ортиқча деталлар, ортиқча ҳажмсиз турган предмет ёки натурага айтилади.
40	Symmetry	Симметрия	Симметрия	предмет ёки композитсия асарининг шундай курилиши, бир хил турдаги қисмларнинг бир-бирига нисбатан параллел жойлашиши, унда ихтиёрий обектнинг марказий ўқидан бир хил узоқликдаги масофада жойлашган ҳолати.
41	Sauce	Соус	Соус	мўйқаламда чизиш учун мўлжалланган графит ва сув аралашма -сидан тайёрланган қуюқ масса.
42	Easel painting	Дастгоҳли ранг тасвир	Стонковая живпос	номи тасвир яратиладиган дастгоҳдан келиб чиқкан. Дастгоҳли ранг тасвир доимо ўз мазмунига эга бўлади. Уларнинг бадиий

				хусусиятлари ташки мұхитта боғлиқ әмас.
43	Style	Услуб	стиль	муаллифнинг ижод мактабида рассомликнинг аниқ бир ёналишига характерли образли тизими қатый бирлиги ва тасвирлаш усули. Атама турли маңноларда қўлланилади, кўпинч кенг маңнода қўлланилади.
44	Background	Фон	Фон	(франс. – чукурлик, туб) тасвирий санъатда натура, манзара, обектнинг орқадаги кўриниши, орқа плани тушунилади. Бунда фон одатда нейтрал ҳолда, ёки баъзи бир ҳолларда оддий тасвирга эга бўлган ҳолда жойлашади
45	Form	Форма	Форма	ташки кўриниш. Тасвирий санъатда форма ҳажмни, конструксияни ҳамда мутаносибликни англатади
46	Chromatic colors	Хроматик ранглар	Хроматический цвет	бир-биридан асосий сифати, ва кўриниши билан ажralиб турадиган ранглар. Хроматик рангларга – қуёш нурлари тушганда хосил бўладиган, қуёш нурлари спекторидаги ранглар. Ранглар спектори шартли равиша “ранглар доираси” да жойлашади. Бу доирада ранглар совукда иссиққа қараб кетма - кетлиқда жойлашади.
47	Pencil	Қалам	карандаш	Чизматасвир ишлаш учун ишлатилади
48	Lasting	Очиригич	Ризинка	Чизматасвирда ўчириш учун ишлатилади.
49	arrangement	Компоновка	Компоновка	Матода текисликлигига компазитцион жойлаштириш ва қуриш
50	cool color	совуқ ранг	Холодный цвет	музни, қорни, сувни эслатувчи зангори, кўкиш, яшил, тўқ бинафша ва ҳаво ранглардир.
51	warm color	иссиқ ранг	Топле цвет	Кунни, қуёшни, баҳорни ва гулларни эслтuvчи сариқ, қизил, пушти ранглар
52	prices	соя	Тен	нарсаларнинг шаклини ва ҳажмини тўғри бажаришда ёруғ ва соя қонунлари мухим аҳамиятга эга.
53	half price	яримсоя	Поли тен	ним соя, нарсаларда ва тасвирда ёруғ билан соя ўртасидаги қисм. юмшок қалам. Шу қалам ёрдамида ишланган асар ҳам «соус»

54	sauce	соус	соус	дейилади. Рассомликда кенг тарқалган усуллардан бири. Биноларни безашда, дастгоҳли санъат асарларида кенг құлланилади. Темпера билан ишланған картиналар, безаклар қуёш нури ва чангдан яхши асралса, ўз рангини, тусини яхши сақлаб қолади.
55	setting	Постоновка	Постоновка	Ишлаш учун мұжалланған нарсалар жамланмаси
56	sketch	қоралама	эскийз	Қысқа мудатли тасвир
57	gamma	гамма	гамма	ранг гаммаси маъносида, рангнинг турли туслари, масалан, илиқ ва совуқ ранг туслари.
58	the tablet	планшет	планшет	Расм чизишида фойдаланиладиган ускуна
59	sangina	сангина	сангина	Қораламалар учун ишлатиладигон қалам тури
60	Coal	Угол	Уголь	Кораламалар учун ишлатиладигон қалам тури
61	retouching	ретуш	ретуш	Қораламалар учун ишлатиладигон қалам тури
62	brush	мүйқалам	кист	Расм чизиш учун керакли анжом
63	palette	палитра	палитра	рассом бүёк қорадиган тахтача. Металл, чинни, баъзан ёғочдан тайёрланади. Маълум бир рассом, расм учун характерли бўлган ранг, бўёклар хам палитра деб юритилади
64	Oil	мойбўёқ	Мослинный Краска	- ўсимлик ёғи билан аралаштирилган бўёклар: (лён, лола - қизғалдок ёки ёнғоқли).
65	Pastel	Пастель	Пастель	расм чизиладиган маҳсус рангли қалам, шу қалам билан чизилган расм. График қалам кўп фойдаланилади.
66	watercolor	Сув бўйоқ	акварель	Сув ёрдамида чизиладигон краска
67	texture	фактура	эффект	бадий асар сиртининг ишланиш ёки тузилиши хусусияти. Бадий мохирликнинг ўзига хослиги хам, фойдаланилган материал сиртининг табиий хусусиятлари хам фактура деб юритилади.
68	the size	Хажм	размер	текисликдаги шаклнинг уч ўлчамли тасвири.
69	Etude	Этюд	Этюд	(франц. - машқ) - рассом натурани ўрганиш

				жараёнида унга қараб, кузатиб чизган тасвир.
70	volume	Шакл	абём	жисмнинг ташқи кўриниши, чизилиши, хажмнинг конструктив тузилиши,
71	Background	Фон	Фон	замин - картина ва графика асари, рельеф ва нақшда асосий шаклнинг орқа қўриниши, қўшимча тасвир
72	Each	Тус	Тус	оханг, рангларга нисбатан ишлатилади.
73	Tone	Тон	Тон	юончадан “кучланиш”, қаламтасвир ёки рангтасвир ишлаш жараёнида буюм туси ёки рангнинг ёргулик тушиши натижасида хосил бўладиган ёритилиши, оч-тўқлик даражаси кучига айтилади.
74	Symmetry	Симметрия	Симметрия	- грекча сўз бўлиб, ўлчамларнинг бир-бира га мослиги, тенглиги, мутаносиблигидир. Симметриянинг бир қанча турлари бор.
75	Silet	Силэт	Силэт	киши, хайвон, қуш, нарса ва бошқаларнинг сояга ўхшатиб бир рангда ишланган тасвири.
76	sepia	Сепия	Сепия	жигарранг бўёқ. Шу бўёқда ишланган бадиий тасвир.
77	Rhythm	Ритм	Ритм	композициянинг энг кучли ва ҳарактерли асоси хисобланади
78	Reflex	Рефлекс	Рефлекс	Нарсаларда шахсий соянинг энг чеккасига унинг ёнидаги нарсадан ёки текисликдан акс этган нурлар билан ёритилган жой.
79	Retouch	Ретуш	Ретушь	(франц. - тасвирни тузатмоқ) - тасвир (расм, фотосурат, нақш ва шу кабилар)ни қалам, бўёқ билан тузатиш, яхшилаш.
80	foreshortening	Ракурс	Ракурс	(франц. гассоигең - қискариш маъносида)- тасвирий санъатда турли нарсаларни қисқартиб акс эттириш
81	profile	Профил	Профиль	(итал. - кўриниш) - юз ёки бирор нарсанинг ён томонидан кўриниши.
82	Proportion	Пропоция	Пропоция	(лот.— муносабат) - бадиий асарнинг алоҳида элементлари ва бутун асар катталиклари муносабати.
83	Postimpressionism	Постимпрессионизм	Постимпрессионизм	импрессионизмдан кейинги бадиий оқим.
84	plinth	Постамент	Постамент	музей, бадиий кўргазмаларда хайкалларнинг

				тагига қўйиладиган мармар, ёғоч таглиқ.
85	Portiret	Портирет	Портирет	(франц. - тасвир) - реал борлиқда мавжуд бўлган ёлгиз, икки ёки бир гурух кишиларнинг тасвири.
86	Podramnik	Подрамник	Подрамник	таг ром, расм ишланадиган матони тортиб турадиган қурилма.
87		Подмалевка	Подмалевка	(дастлабки суртма ишланмаги)- мойбўёқ билан подмалёвка ҳамда лессировкадан кейин, матодаги асосий босқич.
88	Podmalevka	Плейнер	Плейнер	франц. (очиқ кенглик)- табиат, табиат манзараси, мухит, табиат қучоғида тасвирлаш ва унинг ўзига хослигини мужассам этувчининг ифодасини яратиш.
89	plasty	Пластика	Пластика	уйғунлик, ифодалилик тасвирлар яратиш (санъати юнон. Пластике мулойим, гўзал) - хайкалтарошлиқ, бўрттириб ҳажмли турли шакллар яратиши
90	Prospect	Перспектива	Перспектива	нарсаларни текисликда тасвирлаш қонун-коидаларини ўрганувчи амалий фандир.
91	Landscape	Манзара	Пезайж	(франц. жой, макон) - тасвирий санъат турларидан бири. Манзара.
92	Ornament	Нақш	Орнамет	нақш, безак. Геометрик шакллар билан ўсимлик ёки хайвонлар оламидан олинган тасвирларни кўшиб, уйғунлаштириб ишланган бўёкли, ўйма ёки чизма нақш, безак.
93	New original	Хақиқий	Ориналь	асли, асл нусҳа, асл кўриниш
94	Nuance	Нозик фарқ	Нюанс	франц. нюансе нозик фарқ.
95	Form	Қиёфа	Образ	қиёфа, сиймо, ифода, талқин.
97	Easel	Молберт	Мольберт	рассомликда ишлатиладиган уч оёқли дастгоҳ. рекча сўз. Эгилувчан пўлатдан ясалган маҳсус асбоб
98	Mostixin	Мастихин	Мостиҳин	бўлиб, рангтасвир ишлаш жараёнида палитрани ортиқча буёқлардан тозалаш мақсадида ва қуримасидан олдин нотўғри қўйилган буёқ қатламини сидириб олиб ташлаш учун фойдаланилади.
99	The Battle of the genre	Маиший жанр	Битовой жанр	кундалик турмушда учрайдиган ходисаларни ўзида акс эттирган тасвирий санъатнинг бир

				кўриниши.
100	loklar	Локлар	Локлар	рассомлар грунтларни локлар билан қоплашади, шунда мойбўёқ холстга сингиб кетмайди.
101	Color nail polish	Локлар ранг	Цвет лак	бу ранг буюмнинг асл ранги, масалан, гипсдан ишланган оқ вазанинг оқлиги вазанинг локал ранги.
102	Glaze	Лессировка	Лессировка	куриган текислика жуда юпқа, бақувват ва хирароқ қоплашдиррангтасвир техникасининг бир тури бўлиб, бошқа буёқлар қатлами зич ҳолда
103	Lavkas	Лавкас	Лавкас	тасвир ишлаш учун тайёрланган таглик.
104	drawing	Рангтасвир	Рисунка	мойбуёқ рангтасвирининг муҳим техник кўриниши (подмалёвка, ёзув, лессировка).
105	Circuit	Чизик	Контур	буюм шаклини акс эттирувчи чегара чизик.
106	contra	Контрас	Контрас	франц. кескин зиддият/ Қора ранг оқ ранг олдида яна ҳам қорароқ кўринади: иссиқ нарсани сезиш кетидан совуққа сезгирилик кучаяди ва х.к.
107	color	Колорит	Колорит	лотинча color ранг, бўёқ маъносида/-тасвирий санъатда реал ҳаётни хаққоний акс эттириш учун ишлатиладиган рангларнинг ўзаро мутаносиблигини нисбати.
108	Gouache	Гуаш	Гуашь	франц.- сув бўёғи/ - елим ва белила аралаштирилиб, сувга қорилган бўёқ ва шу бўёқ билан ишланган рассомлик асарлари
109	Grizayly	Гризал	Гризаль	(франц. - кулранг сўзидан) - бир ранг билан турли оч, тўқ, ним ранг қилиб, кўпинча кул ранг бўёқда яратилган расм.
110	Axromatik	Ахроматик	Ахроматик	(юон. - рангсиз) ранглар бир биридан ёргулик кучи билан фарқ қиласидар. Ахроматик рангларга оқ, қора ва кул рангнинг барча туслари киради.
111	Drawing	Чизматасвир	Рисунок	Тасвирий санъатнинг етакчи туридан бири. Нафис тасвирий санъат холстъ, картон, қозоз ва бошқалар сатҳ текислигига бўёқларда бажарилади.
112	Compositio	Тузиш, боғлаш, баён қилиш	Композиция	1) асар қурилмасида қисмларини маъно мазмунга боғлаш, бўсундириш, шакллантириш 2) бадиий образ яратиш

				воситаси ва изланиш йўллари.
113	Originalis	Биринчи бор, асли, асл нусхаси	Оригинал	1) Тасвирий санъатда рассом томонидан ижодий яратилган санъат асари; 2) нусхаси олингандар ҳар қандай тасвирий санъат асари
114	Perspecto	Охиригача қараш	Перспектива	1) масофадан туриб қаралгандаги буюм, шаклнинг ўлчами ва шакли, шунингдек, ранг кўриниши ўзгариши. 2) одам кўзига шаклнинг бўшлиқда ўзгаришини текисликда тасвирлаш қонунини ўрганадиган фан.
115	Accentus	Урғу	Акцент	Тасвирий санъатда ранг, тус, чизиқ ёки буюм, шакл, чехрага ранг, тус, чизиқлар ёрдамида урғу беришдир.
116	Color	Ранг, бўёқ	Колорит	Санъат асарининг алоҳида ранг ва тус тузилишидар. Колоритда реал борлик (натура)нинг табиий рангларини алоҳида мақсадли ажратиб бадиий образли бўёқларда акс эттириш.
117	Monumentum	Ёдгорлик	Монументал	Монументал санъат асари дастгоҳли рангтасвирдан фарқи у архитектура билан боғлиқ бўлиб деворга, шифтга ишланиши ва кенг оммага мўлжалланган бўлиши мумкин.
118	Proportion	Қисм ўлчови, пропорция	Соразмерность	Ўлчамларнинг бир-бирига ва бутун шаклга бўлган нисбати.
119	Reflekus	Қайтиш	Рефлекс	Рангтасвирда – кучли ёруғлик билан ёритилган буюм сиртидаги соя қисмида қўшни турган ранг тузи, тури
120	Facture	Ишлов бериш	Фактура	1) ашёнинг характер хусусияти, натурада буюмнинг сирти ва унинг санъат асаридаги тасвири; 2) материалнинг ишлов берилганлик хусусияти, материалнинг характерли сифати
121	Forma	Ташқи кўриниш	Форма	1) Ташқи кўриниш, қиёфа. 2) тасвирий санъатда форма шаклнинг ташқи хусусиятига айтилади.
122	Fragmentum	Бўлакча	Фрагмент	Асарнинг бир қисми, бўлакчаси
123	Detall	Муфассаллик, мукаммаллик	Деталь	1) элемент, 2) характерли қисм мукаммаллиги, 3) тасвирдаги унча аҳамиятли бўлмаган қисми.
124	Interieur	Ички, ичкаридаги	Интерьер	Ички кўриниш, бинонинг ички хоналари кўриниши ва унинг тасвирий санъатда тасвирланиши

125	Keramikos	Лойда ишланган кулолчилик асари	Керамика	Хайкалтарошлиқ ва уй рўзгор идишлари, буюмлари ҳар хил навли лойдан ва ҳар хил безакли ишлов берилиб, алоҳида хумбузда пиширилади.
126	Harmonia	Хушбичим, умумийлик, қисмлари келишган	Гармония	Тасвирий санъатда тасвирланаётган буюм шакли ёки рангнинг ўзаро умумийлиги, хушбичимлиги
127	Graphikos	Чизикли, чизилган	графика	Тасвирий санъатнинг бир тури. Рангтасвирга нисбатан кам ранг ишлатилиб, асосан, оқ ва қора контраст ранглар, чизик ва штрихлар характерлидир.
128	Genze	Тур	Жанр	Тасвирий санъатда мавзу ўхшашлигини бирлаштирувчи тушунча
129	Gris	Кулранг	Гризайль	Бир хил рангда мўйқалам ёрдамида бажарилган тасвирий асар.
130	Modele	Объект, тасвирланаётган шакл, натурачи одам	Модель	Кўп ҳолда тирик натура, умуман одам.
131	Variant	Ўзгарувчан	Вариант	Санъат асарининг муаллифи томонидан тақорланиши.
132	Aquarelle	Сув	Акварел	Сувда тез эрийдиган ва ювиладиган майин ва шаффоф бўёқ
133	Outos	Ўзим	Автопортрет	Рассом ўзини ўзи тасвирлаган портрет
134	Alla prima	Бир йўли, бир ишлашда	Аллапrima	Нафис тасвирий санъат ишлатиладиган усул. Картина (асар) олдиндан қўшимча тайёргарликсиз, яъни бир сеансда тугалланган.
135	Contraste	Кескин, фарқ, қарама-қаршилик	Контраст	Тасвирий санъатда қарама-қаршилик тус, ранг, шакл назарда тутилади.
136	Laisiren	Суюқ бўёқда холст текислиги юзини енгил бўяш	Лессировка	Тиник, ўта кўринадиган бўёқ фойдаланилган рангтасвирдаги бадиий усул
137	Locol	Маҳаллий	Локальный цвет	1) бир буюмга хос бўлган ранг, 2) рангтасвирда қўшни рангга нисбатан катта қисмини ташкил қилиб, рангт туси майдалаб ишланмаганлиги

138	Modeliate	Ясамоқ	Моделировка	Рассомчилик амалиётида: бу рельефни тасвирлаш, буюм шаклини тасвирлаш ва шаклни, қоматни у ёки бу ёргуликда тасвирини күрсатиш.
139	Mosaique	Ранг-бараг иш, аралаш	Мозаика	Махобатли рангтасвир бир тури. Тасвирлашда хар хил рангдаги табиий, сунъий тош (смъята), рангли ойна, кулол парчаларидан деворда ёки қаттиқ материал жисмларга елим, сement каби нарсалар ёрдамида ёпиширилган санъат асари
140	Motif	Сабаб, сюджет	Мотив	1) натура объекти, рассом томонидан тасвирлаш учун мұлжалланған объект ёки баъзи холларда манзара бўлиши мумкин, 2) амалий-безак санъатда-асосий элемент орнамент композицияси кўп такрорли бўлиши мумкин
141	Nuance	Тус, хил	Нюанс	Жуда нозик тус ёки ёргуликдан соя қисмига енгил туснинг ўтиши
142	Palette	Белча	Палитра	1)рассомнинг ранг бўёқ аралаштириш ва бўёқларини жойлаш учун ишлатиладиган ёғоч тахтча. 2)бирор картинанинг ранг характеристи мажмуаси, жилоси
143	Panneau	Рамкага солинган тахта, доска	Панно	Безакли хайкалтарошлиқ ёки рангтасвир асари
144	Vayanie	Пластика	Пластика	Рангтасвирда, чизматасвирда ва хайкалтарошлиқда буюмни шакллантириш, тасвирни ҳосил қилиш
145	En plein air	Тоза хавода	Пленер	Табиий шароитда, очик хавода расм ишлаш.
146	Portrait	Тасвир	Портрет	Тасвирий санъат жанри
147	Profil	Ён томондан кўриниш	Профил	Хар қандай жониворнинг ёки буюмнинг ён томонидан кўриниши
149	Raccoureir	Қисқартириш	Ракурс	Буюм шаклининг ва тирик жониворнинг перспективали қисқариши
151	Relief	Бўртиқ, ҳажмли	Рельеф	Хайкалторошлиқдаги тури
152	Rhithmicos	Бир меъордаги, текис	Ритм	Асар композиция қурилмасининг муҳим томонларидан бири
153	Seance	Бир зумда, тезкор	Сеанс	Бир асар устида ишлаётган рассомнинг тўхтовсиз иш даври, вақти, рассом асар устида ишлаётуб, бир, икки ёки ундан ортиқ

				сеанс вақт сарфлаш мүмкін
154	Silhouette	Шакл кўриниши	Силуэт	Натурада буюм ёки қоматнинг умумий шакл кўриниши
155	Summetria	Текис, баб-баробар, teng ўлчовли	Симметрия	Композицияда ёки шакл тузилиши марказий ўқ чизигидан параллел, марказдан teng узокликда қисмлари жойлашган кўриниши
156	Status	Ҳаракатсиз турган	Статичность	Динамикага қарама-қарши, аксинча, тинч ҳолат, ҳаракатланмайдиган
157	Style	Манера дастхат	Стилл	Стил (дастхат) бир гурӯҳ рассомларга ёки битта рассомга хос бўлиши мүмкін бўлган услуг
158	Sujet	Тема, предмет	Сюжет	Сюжетли картина: тасвирий санъатда асарида аниқ воқеани очиб беради.
159	Ton	Бўёқ бериш	Тон	Натурадаги буюм ва санъат асаридаги рангга хос ёрқинлик, равшанлик даражаси
160	Torso	Гавда	Торс	Одам гавдаси
161	Fond	Таг, чуқурлиқ қисми	Фон	Натурада ва тасвирий санъатда-шакллар ортида жойлашган муҳит.
162	Fresco	Янги, кам	Фреска	Монументал санъатнинг асосий туридан бири
163	Strich	Чизик	Штрих	Чизматасвирда тасвирлаш воситалардан бири
164	Exguisse	Қоралама	Набросок	Ижодий ғоянинг асар учун бажарилган қораламалари
165	Fixer	Мустаҳкамлаш, қотириш, маҳкамлаш	Фиксат	Чизматасвирни яхши сақланиши учун мустаҳкамловчи маҳсус суюқлик
166	Thema	Асосий фикр, мавзу	Тема	Рассомнинг асарда тасвирлаш ва ғояни очиб бериш учун танланган ҳодиса, воқеа доираси
167	Aplication	апликация	апликация	театр тюлига матолар тикиб ёки элимлат? безак тайёрлаш усули.
168	properties	бутафория	Бутафор санъати	саҳна учун сўний буюмлар ясаш усули.
169	drapery	драпировка	драпировка	материални букиб йигиши.
170	invoice	фактура	фактура	- безакларга ишлов бергандага сунний буртмалар хосил қилиш,
171	background	фон	фон	саҳнанинг орқа томони кўриниши.

173	makeup	грим	грим	Актёр юзини образ асосида бўяш
174	priming	грунт	грунт	Безакларга ишлов беришдан олдин суриладиган ёғоч элим аралаштирилган бўтка.
175	inventory	инвентарь	инвентар	спектаклда ишлатиладиган безаклар, буюмлар, жиҳозларни ҳисоб қитоб қилиш хужжати.
176	frame	каркас	каркас	қовурға.
177	scenes	кулис	кулис	саҳнанинг чап ва ўанг томонига илинадиган пардалар
178	mastic	мастика	мастика	ёғли, гипс, бур, қофоз, пластик қоришмаси.
179	installation	монтаж	монтаж	спектакл безакларини саҳнага қуриш
180	view	понорама	понорама	саҳнанинг орқа қисмини ярим доира шаклида тўсиб турувчи мато.
181	Foam rubber	пороалон	пороалон	синтетик юмшоқ ҳомашё
182	styrofoam	пенопласт	пенопласт	пўйак.
183	perspective	перспектива	перспектива	саҳнада безаклами кетма-кет қуриш.
185	tablet	планшет	планшет	ёғоч пол қилинган саҳна қўриниши.
186	plastic	пластик	пластик	суний фанер.
187	premiere	премьера	премьера	асами биринчи марта саҳнага қўйилиши.
188	projection	проекция	проекция	саҳна экранидаги фотохужжатлами намойиш қилувчи аппарат
189	props	реквизит	реквизит	саҳна анжомлари, кийим, бутафор ва бошқа атрибуллар
190	relief	рельеф	рельеф	безакларда ишлатиладиган буртма санъат
191	cream	смета	смета	саҳна жиҳозларига кетадиган моддий харажатлар ҳисоб-қитоб хужжати.
192	machine	станок	станок	саҳна супаси
193	Stained-glass window	витраж	витраж	ойнага, тетар тюлига босмахона бўёкларида безаклар тайёрлаш усули.
194	aplication	апликация	апликация	театр тюлига матолар тикиб ёки элимлат? безак тайёрлаш усули.
195	properties	бутафория	Бутафор санъати	саҳна учун сўний буюмлар ясаш усули.

196	drapery	драпировка	драпировка	материални букиб йигиши.
197	invoice	фактура	фактура	- безакларга ишлов берганда сунний буртмалар хосил қилиш,
198	background	фон	фон	саҳнанинг орқа томони кўриниши.
199	makeup	грим	грим	Актёр юзини образ асосида бўяш
200	priming	грунт	грунт	Безакларга ишлов беришдан олдин суриласидиган ёғоч элим аралаштирилган бўтка.
201	inventory	инвентарь	инвентар	спектаклда ишлатиладиган безаклар, буюмлар, жиҳозларни ҳисоб қитоб қилиш хужжати.
202	acrylate	Акрилат	Акрилат	бўёқламинг замонавий янги тури
203	aniline	Анилин -	Анилин -	саҳна безакларига пуркаладиган сиёхли бўёсж
204	exploitation	эксплуатация	эксплуатация	- безаклар, реквизитлардан фойдаланиш
205	Strech fabric	эластик	эластик	сунъий эгилувчан синтетик хом ашё
206	Working gallery	Рабочая галерея	Иш галереяси	ишчилар юрадиган осма кўприк.
207	construction	Конструктив	Конструктив	ўзак асосий қисм (ёғоч, темир, қурилмалар
208	installation	Монтаж	Монтаж	спектакл безакларини саҳнага қуриш
209	overhead	Накладной	Накладной	спектаклга сарфланган харажатлар хужжати
210	plexiglas	Оргстекло	Оргстекло	сунъий синтетик ойна
211	ramp	Пандус	Пандус	кия текислик яратувчи станок тури
212	Sheet music	Пар*титура	Пар*титура	спектакл давомида иштироқ этувчи ёруғлик шуълалари мажмуаси
213	pavilion	Павилон	Павилон	Павилон - саҳнада уй-жой қурилмалари
214	pistol	Пистолет	Пистолет	саҳнанинг керакли жойига ёруғлик бравчи электр чироқ
215	Red line	Красная линия	Қизил чизик	томушабин пардаси осиладиган жой
216	repetition	Репетитсия	Репетитсия	актёрлар машки.
217	section	Сексия	Сексия	- зина қисмлари
218	spotlights	Софит	Софит	- саҳна чироқлари
219	Super blinds	Супер штори	Супер парда	спектакл саҳнада кетаётган пайтда

				осиладиган ижро парадаси.
220	Audience”s blinds	Зрительские шторы	Томошабин пардаси	антркт пайтида ёпиладиган парда
221	hold	Трюм	Трюм	сахна тагидаги хона ёки куйи сахна
222	tulle	Тюл	Тюл	- сахнага осиладиган шаффофф түр парда.
223	Winnie reservoir	Винипласт	Винипласт	- театр безакларида ишлатиладиган синтетик хомашё тури.
224	lighting	освещения	Ёритиш галереяси	- ёритиш чироклари ўматилган майдон
225	back	Задник	Задник	- сахна ортини түсіб турувчи парда
226	template	Шаблон	Шаблон	- андоза
227	accent	Акцент	Акцент	(лотинча сўздан. Accentus - урғу) - Тасвирий санъатда ранг, түе, чизик ёки буюм, шаклнинг, чехрани тасвирий санъатда ранг, түе, чизиклар ёрдамида урғу беришдир.
228	abstract	Абстракционизм	Абстракционизм	мавхум санъат асарларини уз ичига олган бадиий йўналиш.
229	gallery	Галерея	Галерея	-тасвирий ва амалий санъат асарлари сақланадиган ва кўргазмалар ўтказиладиган маҳсус бино. Маълум асарлар туркуми хам тушунилади. Масалан, пор трет галереяси.
230	tone	Тон	Тон	(тус, ранг)- (французча-ton- бўёқ бериш)- натурадаги буюм (предмет) ва санъат асаридаги рангга хос ёрқинлик, равшанлик даражаси
231	detail	Деталь	Деталь	(французча - detail - муфассаллик, мукаммаллик): 1) элемент; 2) характерли қисм мукаммаллиги; 3) тасвирдаги унча аҳамиятли бўлмаган қисми; 4) фрагмент.
232	autopoligraphy	Автолитография	Автолитография	рассом ўз асарини тошбосма усулида ишлагани
233	carman	Ватман	Ватман	-рассомчилик ва чизмачиликда ишлатиладиган қалин, олий нав қофоз.
234	option	Вариант	Вариант	(лотин сўзидан - ўзгарувчан) - санъат асарининг муаллиф томонидан такорланиши. Шунингдек композиция, картина ранг ечимига, қомат ҳаракатига, қўл ҳаракатига ўзгариш киритиш. Сюжетли композицияда маъно(тема)ни сақлаган ҳолда

				тасвирларни ўзгарган ҳолати.
235	bust	Бюст	Бюст	-одамнинг кўкрагигача тасвириланган қайкали.
236	genre	Жанр`	Жанр	(французча - genze тур) - тасвирий санъатда мавзу ўхшашлигини бирлаштирувчи тушунчча. Рангтасвирда: натюроморт, интерьер, пейзаж, портрет, сюжетли картина (май- ший, тарихий) турларидир.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

Асосий адабиётлар руйхати

1. Charles Bouleau The painter's secret Geometry A study of Composition in art
2. Virgil Elliott Traditional Oil Painting
3. Stacey Goerge Artists Living With Art
4. Noel Gregory , James Horton Oil Painting: Step by Step
5. Xudayberganov R. A. “Rangshunoslik asoslari”, O’quv qo’llanma. T.: “G’.G’ulom” 2006. – 92 b.
6. Рахметов С.Г. “Композиция”. Т.: 2009. . (Олий ва ўрта ўқув юрти, “рангтасвир” йўналиши учун ўқув қўланма
7. Ҳудайберганов Р. А. “Тасвирий санъатда ранг”, Ўқув қўлланма. ТДСИ Ўқ. Босмахонаси 2004. – 79 б.
8. Xudayberganov R.A. “Kompozitsiya”. O’quv qo’llanma. T.: “Sharq” 2007.– 203 b.
9. “Архитектура композиция назарияси”, Ўқув қўлланма. Т.: ТАКИ, 2002. – 203 б.
- 10.Абдуллаев С. А. “Датгоҳли рангтасвирда композиция муаммолари”, Ўқув қўлланма. Т.: ТГИИ, 1996. – 75 б.
- 11.Хасanova Н.С. Страницы истории Художественного образования Узбекистана.
- 12.Хасanova Н.С. XX аср Ўзбекистон бадиий таълими. Т.:Санъат. 2014
- 13.“The Color Guide and Glossary”. 2004-52 б.

Қўшимча адабиётлар

- 1.Даниел С.М. “Картина классической эпохи”Учебное пособие. М., “Искусство”, 1996. – 82 с.

2. Лисициан М. В., Пронин Е. С. “Архитектурное проектирование жилых зданий” Учебное пособие. М., “Стройиздат”, 1990. – 345 с.
3. Волков Н. Н. “Композиция в живописи” Учебное пособие. М.: “Искусство”, 1987. – 557 с.
4. Зайцев А. “Наука о цвете и живопись”, Учебное пособие. М.: “Искусство”, 1986. – 431 с.
5. Митрафанов К.М. “Современная монументально-декоративная керамика” Учебное пособие. М.: “Искусство”, 1987. – 506 с.
6. Шорохов Е.В. “Композиция” М.: “Просвещение”, 1974. – 379 с.
7. Рожин И.Е., Урбах А.И., “Архитектурное проектирование общественных зданий”, Учебное пособие. М.: 1985. – 455 с.

Интернет сайллари

www.vgik.info

e-mail – mail@vgik.info

www.pencil.nm.ru

artinst @ mail.ru

ychednoe@ mail.ru

www.msus.org.

[www. artacademu.spd.ru](http://www.artacademu.spd.ru)

e-mail charkin @ peterstar.ru

art academy @ antecede my. spd.ru

www.nbgf.intal.uz